O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 5 октябрь, № 195 (4094) Пайшанба

Кўргазма



Юртимизда автомобиль ишқибозлари жуда кўп. Айниқса, мамлакатимизда дунё стандартлари талабларига жавоб берадиган «Нексия», «Матиз» каби замонавий автомобилларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган дастлабки йиллардан бошлаб унга қизиқувчиларнинг сафи кескин кенгайиб бормоқда.

Жаҳон автомобилсозлари — ТОШКЕНТДА

Автомобиль қизиқувчиларини жаҳонга машҳур йирик компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган замонавий автомобиллар ҳамда уларга керак бўладиган турли техник воситалар билан таништириш мақсадида бир неча йилдирки, Тошкентда халқаро автомобиль кўргазмаси ўтказиб келинмоқда. Навбатдаги «AutoMotorShow Uzbekistan-2006» халқаро автомобиль кўргазмаси эса шу кунларда «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонида бўлиб ўтмоқда.

Уни «ITE Uzbekistan ва E&C LTD ITE» халқаро кўргазма компаниялари «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида уюштиришди.

Кўргазмада мамлакатимиздан ташқари Германия, Украина, Тайвань, Сингапур, Латвия, Польша, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Озарбойжон ҳамда Россиянинг 30 дан ортиқ компаниялари қатнашмоқда. Улар орасида жаҳоннинг машҳур «BMW», «NISSAN», «Audi», «Автодом Плюс» каби бир қатор компаниялари борлиги, айниқса, тадбир иштирокчиларини қониқтирмоқда.



— Автомобиль машинасозлиги соҳасига қизиққаним учун кўргазмага узоқ Хоразмдан етиб келдим, — дейди ўзини Анвар Худойберганов деб таништирган киши. — Энг замонавий ютуқларни ўзида мужассамлаштирган машиналарни телеэкран қаршисида кўриш бошқа-ю, яқиндан кўриш бошқа экан. Хусусан, менга мамлакатимизда фаолият юритувчи «Sayor Motors» тақдим этаётган «Audi-A4» енгил машинаси маъқул бўлди.

Ишлаб чиқарувчилар кўргазмада автомобиль машинасозлиги соҳасидаги энг замонавий ютуқларни намойиш этиш билан бирга, истеъмолчиларга автомобилларнинг зарур ускуналари, шиналари, эҳтиёт ва бутловчи қисмлари, аккумлятор батареялари, зарядлаш қурилмалари ҳамда бир қатор сервис хизматларини ҳам таклиф этмоқдалар. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга тўғридан-тўғри амалий алоқалар ўрнатиш имконини беради.

«AutoMotorShow Uzbekistan-2006» 3-халқаро автомобиль кўргазмасига келган ҳар бир одам соҳа янгиликларидан хабардор бўлиши табиий. Шу маънода, унинг аҳамияти беқиёсдир.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Маърифат соати

Кўпинча телеэкран орқали дунё хабарларини кўраётганимизда содир этилган кўпорувчилик ҳаракатларида экстремистик гуруҳлар ўз сафларига етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларни, дунёқараши тор аёлларни жалб қилиб, улардан қурол сифатида фойдаланаётгани ошкор бўлади. Оқ-қорани ҳали у қадар яхши ажрата олмайдиган йигит-қиз онги кимларнингдир манфаатига асқотадиган мутаассиб ғоялар билан тўлдирилади.

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Эндиликда ёшларни, айниқса, аёлларни ана шундай оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асраш, уларга дину диёнат моҳияти тўғрисида сабоқ бериш заруратга айланди. Мамлакатимиз Президентининг яқинда эълон қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори эса ёш авлод онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, энг муҳими, уларда миллий ғурурни шакллантириш каби масалаларни ўзида мужассамлаштирганлиги билан янада аҳамиятлидир. Бу борада тегишли идора ва ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги бўлимларида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

— Мазкур ҳужжат қўмитамизга алоҳида масъулият юклайди, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Фарида Акбарова. — Зеро, Президентимиз қайд этганларидек, ота-она, оила ва маҳалла миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усуллар орқали сингдиришимиз лозим ва бу муҳимдир. Демак, ота-она маънавиятли, маърифатли бўлса, оилаларидаги муҳитда маданият, ўзаро ҳурмат бўлади. Серфайз даргоҳда камол топаётган фарзандларимиз, ўғил-қизларимиз онгида миллий ғурур, миллий ғоя шаклланиши, шубҳасиздир.

Маълумки, мамлакатимизда аҳолига диний-маърифий ғояларни етказиш тизими такомиллаштирилиб, 2004 йилдан бошлаб маҳаллаларда диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий қилинди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган Президент фармонига мувофиқ, ушбу лавозимга обрў-эътиборли ҳамда ҳаётий тажрибага эга бўлган ва аҳолига, биринчи навбатда, ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, энг яхши миллий-диний анъана ва урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш масалаларида самарали таъсир кўрсатишга қодир фаол аёллар жалб этилди. Қолаверса, ушбу лавозимга қадрлар танлашда самарали фаолият олиб борилди. Республикада айни пайтда 7704 нафар маслаҳатчи иш олиб бормоқда. Хўш, уларнинг билими, малакаси, дунёқарашини янада бойитиш учун нималарга эътибор қаратилиши зарур ва бу қандай амалга оширилмоқда?

— Тан олиш керакки, маслаҳатчиларимизнинг ҳуқуқий, диний, маърифий соҳаларда ўқувлари унчалик етарли эмас, — дейди суҳбатдошимиз. — Шунинг учун қўмитамиз Тошкент Ислом университети билан ҳамкорликда семинар-ўқувлар ташкил қилди. Бугунгача Навоий, Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида бу каби ўқувлар бўлиб ўтди. Айни кунда Тошкент шаҳрининг 474 нафар маҳалла маслаҳатчиси мазкур университетда малакали мутахассислар, исломшунос олимлардан таълим олмоқдалар. Зеро, диний маърифат ўрганишни давр тақозо этмоқда. Шу ўринда кадрлар масаласига тўхталадиган бўлсак, ҳозирги кунда маҳаллаларда оқила, зукко, етакловчи, уддабурон,

(Давоми 5-бетда).

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида 4 октябрь куни Самарқандга келди.

Олий мартабали меҳмон шаҳар билан танишувни Улуғбек расадхонасидан бошлади. Шоҳи Зинда ва Регистон мажмуалари, Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилди.

— Ўзбек ва қирғиз халқлари қадим-қадимдан бир заминда яшаб келади. Бугун Самарқандда буюк аждодларингиз бунёд этган муҳташам обидаларни томоша қилиб, ҳайратга тушдим. Бу бетакрор ва бебаҳо ёдгорликларнинг кўз қорачиғидек асралаётгани жуда муҳим аҳамиятга эга, — деди Қ.Бакиев.

Шу билан Қирғизистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎзА).

ГЕРМАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ САФАРИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги сиёсий департаменти директори М.Шефер раҳбарлигидаги делегация 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда, жумладан, унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб бориш да парламентлараро алоқалар муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Томонлар Ўзбекистон билан Германия олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти, унда Қонунчилик палатасининг ўрни ва вазифалари, фракциялар тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

(ЎзА).

Сўнгги соатда

Ирода нинг ишончли ғалабаси

Пойтахтимизда аёллар ўртасида теннис бўйича WTA туркумига кирувчи «Tashkent open» халқаро турнири қизғин давом этмоқда.

Аста-секин ўзининг спорт формасини тиклаб бораётган Ирода Тўлаганова мусобақада ишончли ўйин намойиш этмоқда. У дастлабки ўйинда рейтинг бўйича ўзидан анча юқори ўринда бораётган беларуслик Анастасия Якимовани мағлубиятга учратди. Яна бир вакилимиз, яқинда олган жароҳатидан ҳали тўлиқ қутилмаган Оқгул Омонмуродова асосий сетнинг биринчи ўйинида таиландлик Тамарин Танасугарга ютқазиб қўйди.

Энди бор умидимиз Ирода Тўлагановада қолганди. Ирода иккинчи учрашувини ҳам муносиб ўтказди. Таиландлик Тамарин Танасугарни 6/4, 6/1 ҳисобида енгиб, кейинги босқичга йўлланма олди.

З.ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қирқиш чизиғи

кага қўювчининг ва унинг оила аъзоларининг, шу жумладан собиқ оила аъзоларининг фойдаланиш ҳуқуқи тугатилишига асос бўлади.

Ундирув гаровга қўйилган уй ёки квартирага суд тартибида ҳам, суддан ташқари тартибда ҳам ушбу Қонунда белгиланган қоидаларга риоя этилган ҳолда қаратилиши мумкин.

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган ҳамда ундирув қаратилган уй ёки квартира ушбу Қонунда белгиланган тартибда реализация қилинади.

Гаровга қўйилган уй ёки квартирани бўшатиб бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

10-боб. Якунловчи қоидалар

66-модда. Низоларни ҳал этиш

Ипотека соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

67-модда. Ипотека тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ипотека тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

68-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

69-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 4 октябрь
№ ЎРҚ — 58

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ипотека тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2006 йил

Қирқиш чизиғи

мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи мол-мулкнинг давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши (ҳақини тўлаб олиниши), реквизиция ёки национализация қилиниши оқибатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилса ва ипотекага қўювчига бошқа мол-мулк берилса ёки тегишли ҳақ тўланса, ўрнига-ўрин берилган мол-мулкка нисбатан ипотека жорий қилинади ёхуд ипотекага олувчи ўз талабларини ипотекага қўювчига тегиши керак бўлган ҳақ суммасидан имтиёзли қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини ҳамда ундирувни ипотекага қўювчига олиб қўйилган мол-мулк ўрнига берилган мол-мулкка қаратишни талаб қилишга ҳақли.

Ипотека нарсаси бўлган мол-мулк амалда бу мол-мулкнинг мулкдори бошқа шахс эканлигига асосан (виндикация) ипотекага қўювчидан қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилган ҳолларда ана шу мол-мулкка нисбатан ипотека тугатилади. Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини суднинг тегишли қарори қонуний кучга кирганидан кейин талаб қилишга ҳақли.

5-боб. Навбатдаги ипотека

29-модда. Навбатдаги ипотекага йўл қўйиладиган шартлар

Бир мажбурият бажарилишини таъминлаш учун ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк (олдинги ипотека) ўша ёки ўзга қарздорнинг бошқа мажбурияти бажарилишини таъминлаш учун ўша ипотекага олувчининг ўзига ёхуд бошқа ипотекага олувчига гаровга берилиши мумкин (навбатдаги ипотека).

Ипотекага олувчилар навбати ипотека бинолар (иншоотлар) гарови давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган сана ва вақтга биноан, рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан белгиланади.

Навбатдаги ипотекага, агар у ўша мол-мулк ипотекаси ҳақидаги, амал қилиши ипотека тўғрисидаги навбатдаги шартнома тузилаётган пайтда тугамаган олдинги шартномаларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

Агар ипотека тўғрисидаги олдинги шартномада ипотека тўғрисида навбатдаги шартномани тузиш мумкин бўлган шартлар назарда тутилган бўлса, бундай шартнома ана шу шартларга риоя этилган ҳолда тузилиши керак.

Ипотека тўғрисидаги олдинги шартномада белгиланган тақиққа қарамай тузилган ипотека тўғрисидаги

Буклаш чизиғи

навбатдаги шартнома шу шартнома бўйича ипотекага олувчи бундай тақиқни билмаганлигидан қатъи назар, олдинги шартнома бўйича ипотекага олувчининг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Агар навбатдаги ипотека тақиқланмаган, лекин ипотека тўғрисидаги навбатдаги шартнома олдинги шартномада унинг учун назарда тутилган шартлар бузилган ҳолда тузилган бўлса, ипотекага олувчининг навбатдаги шартнома бўйича талаблари ипотека тўғрисидаги олдинги шартнома шартларига мувофиқ уларни қандай даражада қаноатлантириш мумкин бўлса, шундай даражада қаноатлантирилади.

Агар ипотека тўғрисидаги олдинги ва навбатдаги шартномаларда тарафлар айни ўша шахсларнинг ўзи бўлса, ушбу модда учинчи ва тўртинчи қисмларининг қоидалари қўлланилмайди.

Гаров хатини тузиш ва беришни назарда тутувчи ипотека тўғрисидаги навбатдаги шартномани тузишга йўл қўйилмайди.

30-модда. Ипотекага олувчиларни олдинги ва навбатдаги ипотекалар тўғрисида огоҳлантириш.

Ипотека тўғрисидаги олдинги шартномани ўзгартириш

Ипотекага қўювчи ҳар бир навбатдаги ипотекага олувчига у билан ипотека тўғрисидаги навбатдаги шартнома тузилгунига қадар мазкур мол-мулкнинг бунгача амал қилиб турган барча ипотекалари тўғрисидаги маълумотларни маълум қилиши шарт.

Ипотекага қўювчи ипотека тўғрисидаги навбатдаги шартнома тузилганидан кейин дарҳол бу ҳақда олдинги ипотекалар бўйича ипотекага олувчиларни ёзма шаклда хабардор қилиши ва уларнинг талабига асосан уларга навбатдаги ипотека ҳақидаги маълумотларни маълум қилиши шарт.

Ипотека тўғрисидаги навбатдаги шартнома тузилганидан кейин олдинги шартномани ўзгартиришга, агар ипотека тўғрисидаги олдинги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, фақат навбатдаги шартнома бўйича ипотекага олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Агар ипотека тўғрисидаги олдинги ва навбатдаги шартномаларда тарафлар айни ўша шахсларнинг ўзи бўлса, ушбу модданинг қоидалари қўлланилмайди.

31-модда. Навбатдаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш

Навбатдаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу Қонунда белгиланган қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Ипотека тўғрисидаги навбатдаги шартномада айни ўша мол-мулкнинг олдинги ипотекалари тўғрисидаги барча қайд ёзувлари ҳақида белги қўйилади.

Парламент ҳаёти

ҚОНУН. ЙЎЛОВЧИ. АВТОТРАНСПОРТ.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси А. ТЎРАЕВ билан мусоҳаба

— Азиз Дамирович! Яқинда оммавий ахборот воситаларида Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни чоп этилди. Сизнингча, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши нималар билан боғлиқ?

— Мазкур Қонун қабул қилингунга қадар автомобил транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан ҳам юридик, ҳам транспорт воситаларига хусусий мулк сифатида ёки бошқа қонуний асосларда эгалик қилаётган ҳамда бу фаолият билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлган жисмоний шахслар шуғулланиб келар эди.

Амалиёт шуни кўрсатдики, автомобил транспортида йўловчиларни ташиш билан шуғулланадиган юридик шахсларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартларини бажариш имкониятлари ҳамма вақт бўлган ва улар бу имкониятдан фойдаланиб келганлар. Жисмоний шахслардан фарқли ўлароқ, юридик шахсларда таъмирлаш базалари ҳамда керакли техник ва тиббий ходимлар мавжуд бўлган. Улар автомобил транспортини рейс олдидан техник, ҳайдовчиларни эса тиббий кўрикдан ўтказганлар. Шунингдек, уларда автотранспорт воситаларини техник жиҳатдан соз ва талаб даражасидаги санитар ҳолатида сақлаш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш имкониятлари ҳам бор эди.

Қабул қилинган Қонунга асосан, эндиликда йўловчиларни ташиш фаолияти билан фақат транспорт воситаларига мулк сифатида ёки бошқа ҳуқуқий асосларда эгалик қилиб, махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлган юридик шахслар шуғулланиши белгилаб қўйилди. Яъни «Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасидан «ёки жисмоний» деган сўзлар чиқариб ташланди.

Бундан ташқари, мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартда қабул қилинган «Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги 303-сонли Қарорининг мантиқий давоми ҳам бўлди.

— Мазкур Қонун шу пайтга қадар йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш хизмати билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятига қандай таъсир кўрсатади?

— Мазкур Қонунда йўловчиларни ташиш фаолияти билан фақатгина юридик шахслар шуғулланиши алоҳида таъкидлаб ўтилган. Яъни, Қонун қабул қилингунига қадар йўловчиларни ташиш фаолияти билан шуғулланиб келган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳозирда мавжуд бўлган махсус автотранспорт ташкилотларида ўз фаолиятларини давом эттираверса ҳам бўлади. Ва ёки улар мулкчилик шаклидан қатъий назар, қонунчилик талабларига жавоб берадиган, керакли хом-ашё ва техник базага ва махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлган янги юридик шахсларни ташкил қилишлари мумкин.

Қонунда фақатгина йўловчиларни ташиш фаолияти назарда тутилганлиги муносабати билан ундаги талаблар юк ташиш фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларга тааллуқли эмас.

— Қонуннинг ҳуқуқий оқибатлари хусусида нималар дея оласиз?

— Ҳаммамизга маълумки, республикамизда лицензия бериш ҳамда техник ва тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини, хом-ашё техник базаси мавжудлиги ва ҳоказоларни белгилаш билан боғлиқ бўлган бир қатор меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Табиийки, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши бу жараёнларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва уларни замон талабларига уйғунлаштириш бўйича жиддий ишларни амалга оширишни талаб этади.

Бундан ташқари, йўловчиларни ташиш фаолиятининг фақатгина керакли шарт-шароитларга ва махсус лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилиши кўпгина янгиланишларга сабаб бўлади. Жумладан, уларнинг хом-ашё ва техник базаси мустаҳкамланади, транспорт воситалари паркини янгилаш учун нормал шароитлар туғилади. Қолаверса, молиявий интизом яхшиланади, пул тушумларини инкассация қилиш ва қонун талабларининг бажарилиши билан боғлиқ бошқа масалаларда ҳам тартиб ўрнатилишига имкон яратилади.

— Қонуннинг ҳайдовчилар фаолиятига дахлдор томонлари бир қадар тушунарли. Унинг йўловчилар учун қандай аҳамияти бор?

— Мазкур Қонун, фақат йўловчиларни ташиш билан боғлиқ фаолиятнигина тартибга келтириб қолмайди.

Энг аввало, у транспорт воситаларининг техник ҳолати юзасидан ҳамда ҳар кунлик рейс олдидан ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш устидан назоратни кучайтиришга имкон беради. Қолаверса, бунинг ҳайдовчилар учун ҳам қатор имтиёзлари бор. Жумладан, транспорт воситалари ўз вақтида техник назоратдан ўтказилади, зарурат туғилганда уларни таъмирлаш ишлари шу жойнинг ўзида амалга оширилади. Шунингдек, уларга тегишли моддий-техник база билан боғлиқ барча қулайликлар яратилиши ҳам лозим.

Аслида бу Қонунга киритилган ўзгартишлардан туб мақсад ҳам эл-юрт манфаатини ҳуқуқий ҳимоялашдан иборат. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бу Қонун аҳолига хизмат кўрсатиш ва автомобил транспортидан фойдаланувчи фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш даражасини кўтариш имконини ҳам беради.

Эсиргап БОЛИЕВ суҳбатлашди.

Кўргазма

Пойтахтимиздаги Фото уйида "Тоза нигоҳ ила" деб номланган кўргазма очилди. Кўргазма Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази томонидан ташкил этилди.

Болалар нигоҳидаги дунё

Унинг очилишида сўзга чиққанлар, ушбу кўргазма ноанъанавийлиги билан ажралиб туришини, асарларда болаларнинг атроф-муҳитга беғубор қарашлари акс этганлигини таъкидлашди.

Кўргазма икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчисида француз фото санъати усталари Тибо Форес Фюстель де Куланж ва Мэ-Лоан Бассолар томонидан Бухоро шаҳрида ташкил этилган "Step by stepre" ("Саҳро бўйлаб қадам") болалар фото устахонаси қатнашчиларининг ўнга яқин ишлари намойиш қилинмоқда.

Экспозициянинг иккинчи бўлимидан Қорақалпоғистон педагогика институти талабалари ва Нукус шаҳар бадиий коллежи ҳамда лицейи ўқувчиларининг 34 та энг яхши рангтасвир асарлари жой олган. Мазкур ишлар "Сарҳад билмас таъмирчилар" халқаро лойиҳаси доирасида яратилган.

Юлдуз РИЗАЕВА, "Халқ сўзи" мухбири.



Шовот туманидаги "Шовотғишт" корхонаси йилига 18,5 миллион дона пишган ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати юқорилиги боис вилоятдаги қурилиш ташкилотлари, фермер хўжаликлари ҳамда якка тартибдаги уй-жой қураётганларнинг асосий қисми унинг мижозлари ҳисобланади. Ҳозирги кунгача 15 миллион дона ғишт ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилди.

СУРАТДА: корхонанинг тажрибали устаси Қаҳрамон Ҳайитбоев.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

ЭКИШ ИШЛАРИ ҚИЗҒИН

Жорий йилда 95 минг гектар суғориладиган майдонга уруғ сепишни мўлжаллаган Сурхон воҳаси ғаллакорлари экиш ишларини бошлаб юборди. Асосий майдонларда ғалланинг "Крошка", "Половчанка", "Чиллаки", "Краснодар-99" навлари парваришланади.

Мавсум олдидан вилоятда 17 минг 200 тонна сифатли уруғлик дон тайёрланди. Андижон вилоятидан 5 минг 244 тонна қўшимча уруғлик олиб келинди ва ҳозиргача уч минг гектардан зиёд майдонга уруғ сепилди.

Ғалла етиштиришда етарли тажриба тўплаган вилоят деҳқонлари кузги экишга пухта тайёргарлик кўрди. Хусусан, ғалла экишга ажратилган майдонлар барвақт шудгорланди. Элликдан ортиқ сеялка далага чиқарилди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, (ЎзА).

Бир хат изидан

ГАЗАК ОЛГАН ЯРА

Холмурод Боймиров Қуйи Чирчиқ туманида яшайди. Мевазор маҳалласидан Тошовул қишлоғигача бўлган масофа оралиғида бир неча йилдан буён шахсий автомобилида йўловчи ташийди. Мазкур йўналишда Холмуродга ўхшаган такси ҳайдовчилари кўпчиликни ташкил этади. Жорий йил бошида улар тумандаги "Ватан фидокорлари", кейинроқ "Ҳилол-сервис" масъулияти чекланган жамияти аъзоси сифатида фаолият кўрсата бошлашди. Ҳозиргача ҳар ойда давлатга солиқ бадалларини тўлаб келишаяпти. Шу тариқа рўзғор тебратишаяпти. Аммо..

Ҳаммаси бир маромда давом этаётганди. Лекин Янгийўл шаҳридаги "Бизнес плюс омад" масъулияти чекланган жамиятининг "Янгийўл деҳқон бозори – Мевазор маҳалласи" йўналишида қатновчи "Дамас" русумли автомашиналари кутилмаганда охирги бекатдан ўтиб, қатновни Тошовул қишлоғигача давом эттира бошлади. Бундан норози бўлган маҳаллий ҳайдовчилар янгийўллик ҳамкасбларини тартибга чақирмоқчи бўлишди. Фойдаси бўлмагач, аввалига "Бизнес плюс омад" жамияти ва "Ҳилол-сервис" ташкилоти раҳбарларига, сўнгра ўзлари истиқомат қилаётган туман давлат солиқ инспекцияси, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошлиқларига мурожаат қилишди. Афсус, барибир ўзгариш бўлмади.

Охир-оқибат икки ўртада низо туғилади. Янгийўллик "Дамас"чилардан бири Холмурод Боймировнинг устига машинасини ҳайдаб, унинг оёғини босиб кетади. Устига-устак, "Бизнес плюс омад" раҳбарининг ўринбосари Абдулазиз Усмонов воқеа жойига келиб, маҳаллий ҳайдовчиларни ҳақорат қилади ва Холмурод Боймировни йўлда ушлаб олиб, уч кишилашиб уради. Тан жароҳати олган Боймиров қишлоқ врачлик пункти шифокорига, кейин туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилади.

Хуллас, иссиғида ҳал этилмаган оддий тартибсизлик катта жанжалга айланади. Лекин янгийўллик ҳайдовчилар йўналишда фаолият кўрсатишни давом эттиришади. Туман ички ишлар бўлими терговчиси Карим Қўзиев ушбу можарони ўрганиб чиқиб, ишни судга оширади. Жиноят ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ тумани суди А. Усмоновни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52- моддаси 2-қисми билан айбдор деб топади. Унга нисбатан энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима жазоси тайинлайди.

— Суднинг бундай қарор қабул қилганини анчадан кейин одамлардан эшитдим, — дейди Холмурод Боймиров. — Терговчи К. Қўзиевнинг иши мени умуман қониқтирмади. Шунга қарамай, судда ҳаммаси ойдинлашади, ҳақиқат қарор топади деб ўйлагандим. Лекин судга мени жабрланувчи сифатида чақиришмади ҳам. Бошимга қаттиқ уришган экан, ҳозиргача оғрийди, тез-тез кўнглим айнийди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бир одамни учта бўлиб калтаклашса-ю, айбдор арзимаган жарима билан қутулиб кетса, буни қандай тушуниш мумкин? Жиноят жазосиз қолса, ҳақиқатга путур етмайдими? Одамларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига, умуман олганда, ижтимоий адолатга ишонч йўқолмайдими?

Энг ажабланарлиси, Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари З. Ниёзов 2006 йил 17 февралда Янгийўл тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Рашидовга ва "Ўзавтодарётранс" агентлигининг ёлоят бўлими бошлиғи С. Алимовга йўллаган 2-5-304-сонли хатда эслатишича, "Янгийўл шаҳар деҳқон бозори – Кушек қишлоғи (Тошовул орқали)" такси йўналиши бўйича ўтказиладиган навбатдаги очиқ тендергача хизмат кўрсатиш ҳуқуқини "Бизнес плюс омад" масъулияти чекланган жамиятига бириктирилишига жорий йилнинг март ойигача рухсат берилган.

ёхуд йўналишнинг эгаси борми?

Биз масалага аниқлик киритиш мақсадида "Ўзавтодарётранс"нинг вилоят бўлими раҳбарларига кўнғироқ қилдик. Уларни тополмагач, тендер масаласи билан шуғулланаётган мутахассислардан маълумотлар олдик. Маълум бўлишича, ушбу йўналиш бўйича жорий йилнинг тўртинчи чорагида тендер ўтказиш кўзда тутилаяпти.

Демак, "Бизнес плюс омад" машиналарининг ҳозир юқорида қайд этилган йўналишда қатнашга қонуний ҳақи йўқ. Қолаверса, тегишли ҳужжатларда ёзилишича "Мевазор – Тошовул" йўналишида қатнаш учун жамиятнинг фақат тўртта "Дамас" русумли автомобилига рухсат берилган. Бироқ масалани ўрганиш жараёнида унга қарашли ўнга яқин автомашина йўналишда бемалол фаолият кўрсатаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу ишни бевосита назорат қилиши лозим бўлган Қуйи Чирчиқ тумани ички ишлар бўлимининг йўлпатруль хизмати ва Давлат солиқ инспекцияси ходимларининг эса парвойи палак. Гўёки бу тартибсизлик бошқа туман ҳудудида рўй бераётгандек, уларга мутлақо алоқаси йўқдек.

Президентимизнинг 2006 йил 9 мартда қабул қилинган "Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги Қарорида мазкур соҳада якка ҳолда фаолият юритаётган ҳайдовчилар ишида назорат ўрнатиш вазифаси қўйилган. Лекин юқорида тилга олинган воқеа ушбу Қарор эълон қилингандан кейин рўй берди. Пировардида, бир киши тан жароҳати олди ва ҳозиргача саломатлигини тўлиқ тиклаб ололгани йўқ.

Ажаб, вилоят ва тумандаги бевосита мутасадди идоралар раҳбарлари қачонгача бу машмашага томошабин бўлиб туришаркин? Ахир, йўналишнинг қонуний эгаси бордир? Келгусида масаланинг бу жиҳатига қатъий ойдинлик киритилади деган фикрдамиз.

Ҳосил КАРИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Ипотека тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 28 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади кўчмас мулк гарови (бундан буён матнда ипотека деб юритилади) қўлланилганда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ипотека тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ипотека тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ипотека тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ипотеканинг вужудга келиши асослари

Ипотека ипотека тўғрисидаги шартнома асосида (шартнома асосидаги ипотека) ёки қонун асосида (қонун асосидаги ипотека) вужудга келади.

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича бир тараф — ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича кредитор бўлган гаровга олувчи (бундан буён матнда ипотекага олувчи деб юритилади) шу мажбурият бўйича ўзининг қарздорга нисбатан пул талаблари бошқа тарафнинг — гаровга қўювчининг (бундан буён матнда ипотекага қўювчи деб юритилади) гаровга қўйилган кўчмас мулки қийматидан ипотекага қўювчининг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли қаноатлантирилиш ҳуқуқига эга бўлади, ушбу Қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Навбатдаги ипотека тўғрисидаги белги айни ўша мол-мулкнинг барча олдинги ипотекалари ҳақидаги қайд ёзувларига киритилади.

32-модда. Олдинги ва навбатдаги ипотекалар бўйича ипотекага олувчиларнинг талабларини қаноатлантириш

Ипотека тўғрисидаги навбатдаги шартнома бўйича ипотекага олувчининг талаблари ипотека тўғрисидаги олдинги шартномалар бўйича ипотекага олувчиларнинг талаблари қаноатлантирилганидан кейин, гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қаноатлантирилади.

Ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка навбатдаги ипотека билан таъминланган талаблар бўйича қаратилган тақдирда, бир вақтнинг ўзида олдинги ипотека билан таъминланган, ундирувга тақдим этиш муддати ҳали келмаган талаблар бўйича ҳам ипотека билан таъминланган мажбуриятни муддатидан олдин бажариш талаб қилиниши ва ундирув мазкур мол-мулкка қаратилиши мумкин. Агар ипотека тўғрисидаги олдинги шартнома бўйича ипотекага олувчи бу ҳуқуқдан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ипотека билан таъминланган талаблар бўйича ундирув қаратилган мол-мулк олдинги ипотекага доир ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан бирга уни олувчига ўтади.

Олдинги ипотека билан таъминланган талаблар бўйича ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилган тақдирда, бир вақтнинг ўзида ундирувга тақдим этиш муддати ҳали келмаган, навбатдаги ипотека билан таъминланган талаблар бўйича ҳам бу мол-мулкка ундирув қаратилишига йўл қўйилади. Агар олдинги ипотека билан таъминланган талаблар қаноатлантирилиши учун ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкнинг бир қисмига қаратиш етарли бўлса, навбатдаги ипотека билан таъминланган талаблар муддатидан олдин қаноатлантирилмайди.

Ундирувга ўз талабларини тақдим этиш ниятида бўлган ипотекага олувчи бу ҳақда ўша мол-мулкнинг ипотекаси тўғрисидаги бошқа шартнома бўйича ипотекага олувчини олдинги ва навбатдаги ипотекалар бўйича талаблар гаров билан таъминланган мол-мулкка ундирув қаратилгунига қадар ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Агар олдинги ва навбатдаги ипотекалар бўйича ипотекага олувчи айнан ўша шахснинг ўзи бўлса, ушбу моддадаги қоидалар қўлланилмайди. Бу ҳолда ипотекаларнинг ҳар бири билан таъминланган талаблар, агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тегишли мажбуриятларни бажариш муддатларига мувофиқ навбати билан қаноатлантирилади.

Буклаш чизиғи

ҳуқуқини чеклайдиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

27-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкка бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини юклаш

Ипотекага қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкни ипотекага олувчининг розилигисиз, агар ипотека тўғрисидаги шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага беришга, вақтинча текин фойдаланиш учун беришга ва бошқа шахс билан келишувга кўра, унга бу мол-мулкдан чекланган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқини беришга (сервитутга) ҳақли бўлиб, бунда:

мол-мулк фойдаланишга берилаётган муддат ипотека билан таъминланган мажбурият муддатидан ошмаслиги;

мол-мулк қандай мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган бўлса, шунга мос келадиган мақсадларда фойдаланишга берилиши шартларига риоя этилиши керак.

Ипотекага олувчи ипотека тўғрисидаги шартномада ёки қонунда назарда тутилган асосларга кўра ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратган тақдирда, ипотека тўғрисидаги шартнома тузилганидан кейин ипотекага қўювчи томонидан ипотекага олувчининг розилигисиз учинчи шахсларга берилган барча ижара ҳуқуқлари ҳамда бу мол-мулкдан фойдаланишга доир бошқа ҳуқуқлар ундирувни мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги суднинг қарори қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан тугатилади, агар ипотекага олувчининг талаблари судга мурожаат қилинмасдан қаноатлантирилаётган бўлса, ипотекага қўювчи билан ипотекага олувчи ўртасидаги ундирувни мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги келишув нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан эътиборан ёхуд ипотека тўғрисидаги шартномада белгиланган шартлар асосида тугатилади.

Ипотекага қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкни учинчи шахслар фойдаланишига ипотека билан таъминланган мажбурият муддатидан ортиқ муддатга ёки мол-мулк қандай мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган бўлса, шунга мос келмайдиган мақсадларда фақат ипотекага олувчининг розилиги билан бериши мумкин.

Гаровга қўйилган мол-мулкнинг ипотекага қўювчи томонидан бошқа шахсга фойдаланиш учун берилиши, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўювчини ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

28-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг мажбурий равишда олиб қўйилиши оқибатлари

Агар ипотекага қўювчининг ипотека нарсаси бўлган

Қирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

кредит ташкилотининг кредит маблағларидан ёки юридик шахснинг уй ёки квартира олиш ёхуд қуриш учун берилган аниқ мақсадли қарз маблағларидан фойдаланган ҳолда олинаётган ёки қурилаётган уй ёки квартира қарз олувчининг уй ёки квартирага бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ипотекага қўйилган деб ҳисобланади. Уй ёки квартира олиш ёхуд қуриш учун кредит ёки аниқ мақсадли қарз берган банк ёхуд бошқа кредит ташкилоти ёки юридик шахс мазкур ипотека бўйича ипотекага олувчидир.

Ушбу модданинг биринчи қисми асосида вужудга келадиган уй ёки квартира ипотекасига нисбатан тегишинча ипотека тўғрисидаги шартнома асосида вужудга келадиган кўчмас мулк ипотекаси ҳақидаги қоидалар қўлланилади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари, агар вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатлари бузилаётганлигини эътироф этиш учун васийлик ва ҳомийлик органларида асослар бўлмаса, вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахслар яшаётган турар жой мулкдорининг оила аъзолари бўлган бундай шахсларнинг қонуний вакилларига бу турар жойни тасарруфдан чиқаришга ва (ёки) ипотекага қўйишга розилик беришга ҳақли.

Васийлик ва ҳомийлик органларининг ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган шахслар яшаётган турар жойни ипотекага қўйиш учун розилик бериш тўғрисидаги қарори ёки бундай розилик беришни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори розилик бериш сўралган ариза топширилган санадан кейин кечи билан ўн беш кун ичида ёзма шаклда қабул қилиниши ҳамда ариза берувчига берилиши керак.

Васийлик ва ҳомийлик органларининг қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

65-модда. Ундирувни гаровга қўйилган уй ёки квартирага қаратиш

Башарти уй ёки квартира ипотека тўғрисидаги шартнома ёхуд қонун асосидаги ипотека бўйича банк, бошқа кредит ташкилоти ёки юридик шахс томонидан шундай уй ёки квартира олиш ёхуд қуриш учун берилган кредит ёки аниқ мақсадли қарз қайтарилишини таъминлаш учун гаровга қўйилган бўлса, ипотекага олувчининг ундирувни гаровга қўйилган уй ёки квартирага қаратиши ва уни реализация қилиши бундай уйда ёки квартирада биргаликда яшаётган ипоте-

шига олиб келиши мумкин бўлган тарзда самарасиз фойдаланган тақдирда, ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан илгари бажарилиши тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этишга ҳақли.

60-модда. Ундирувни ипотекага қўювчининг гаровга қўйилган корхонасига қаратиш

Корхона ипотекаси билан таъминланган мажбурият ипотекага қўювчи томонидан бажарилмаган тақдирда, ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка фақат суднинг қарорига биноан қаратилиши мумкин.

Корхона мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари корхонани ким ошди савдосида олган сотиб олувчига олинган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ўтади.

61-модда. Уйлар ва квартиралар ипотекаси тўғрисидаги қоидаларнинг қўлланилиши

Ипотека фуқаролар (жисмоний шахслар) ёки юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, доимий яшаш учун мўлжалланган якка тартибдаги ва кўп квартирали уйларга ҳамда квартираларга нисбатан қўлланилади.

Давлат уй-жой фондининг уйларини ипотекага беришга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган фуқаролар, васийлик ёки ҳомийлик белгиланган муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахслар мулки бўлган уй ёки квартира ипотекаси қонун ҳужжатларида мол-мулк билан боғлиқ битимлар тузиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

62-модда. Кўп квартирали уйдаги квартиралар ипотекаси

Қонун ҳужжатларига мувофиқ муайян қисмлари ипотекага қўювчининг ва бошқа шахсларнинг умумий улушли мулкида бўлган кўп квартирали уйдаги квартира ипотекасида турар жой билан бир қаторда уйнинг умумий улушли мулк ҳуқуқидаги тегишли улуш ҳам гаровга қўйилган ҳисобланади.

63-модда. Қурилаётган уйлар ипотекаси

Уй қуриш учун кредит ёки аниқ мақсадли қарз берилаётганда ипотека тўғрисидаги шартномада мажбуриятни тугалланмаган қурилиш (ипотекага қўювчи келгусида оладиган мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлар) билан таъминлаш назарда тутилиши мумкин.

64-модда. Банк ёки бошқа кредит ташкилотининг кредити ҳисобига олинаётган ёки қурилаётган уйлар ва квартиралар ипотекаси

Агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, банк ёхуд бошқа

Қонун асосидаги ипотекага нисбатан унда кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ипотека тўғрисидаги шартнома асосида вужудга келадиган ипотека ҳақидаги қоидалар қўлланилади.

Ипотека асосий мажбуриятдан ҳосила хусусиятига эга ва у асосий мажбурият тугагунига қадар ҳақиқий бўлади.

Ипотека бўйича муносабатларга нисбатан, агар ушбу Қонунда бошқа қоидалар белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ва "Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидаги гаров ҳақидаги умумий қоидалар қўлланилади.

4-модда. Ипотекага қўювчи

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг ўзи ёки бу мажбуриятда иштирок этмайдиган учинчи шахс (ашёвий кафил) ипотекага қўювчи бўлиши мумкин.

Ипотека белгиланган мол-мулк, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўювчининг эгалигида ва фойдаланишида қолади.

5-модда. Ипотека билан таъминланадиган мажбурият

Ипотека, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, кредит шартномаси, қарз шартномаси ёки бошқа шартнома бўйича мажбуриятни, шу жумладан олди-сотди, ижара, пудрат шартномаларига асосланган мажбуриятни, шунингдек зарар етказилиши оқибатида вужудга келадиган мажбуриятни бажарилишини таъминлаш учун белгиланиши мумкин.

6-модда. Ипотека нарсаси

Кўчмас мулк, шу жумладан бинолар, иншоотлар, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек турар жойлар улар жойлашган ер участкалари билан бирга, қонунда кўчмас мулк жумласига киритилган ва уларга бўлган ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бошқа мол-мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

Ипотека тўғрисидаги қоидалар:

қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ ер участкасида барпо этилаётган қурилиши тугалланмаган мол-мулк гаровига;

якка тартибдаги уй-жой қуриш ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари гаровига;

агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчининг кўчмас

вишда ўз зиммасига олади. Агар ипотека нарсаси бўлинмас бўлса ёки бошқа асосларга кўра ипотекага қўювчи ҳуқуқий ворисларининг умумий мулки бўлиб қолса, ҳуқуқий ворислар солидар ипотекага қўювчиларга айланадилар.

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича мол-мулк гарови, бу мол-мулк бошқа шахсларга ўтказилаётганида бундай ўтказиш учун белгиланган бирон-бир қоида бузилган-бузилмаганлигидан қатъи назар, ўз кучини сақлаб қолади.

26-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги қоидаларни бузиш оқибатлари

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўювчи томонидан сотиш, ҳадя этиш, айирбошлаш орқали ёки ўзгача усулда фақат ипотекага олувчининг розилиги билан тасарруфдан чиқарилиши мумкин.

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк ипотекага олувчининг розилигисиз тасарруфдан чиқарилган тақдирда, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки агар ипотекага қўювчининг бундай ҳуқуқи гаров хатида назарда тутилмаган бўлса, ипотекага олувчи ўз танловига кўра:

гаровга қўйилган мол-мулкнинг тасарруфдан чиқарилиши тўғрисидаги битимни ҳақиқий эмас деб топишни;

ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини ва кимга тегишлилигидан қатъи назар, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни талаб қилишга ҳақлидир. Бу ҳолда, агар ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкни олувчи уни олаётган пайтда мол-мулк ушбу модданинг биринчи қисми талаблари бузилган ҳолда тасарруфдан чиқарилаётганлигини билганлиги ёки билиши лозим ҳам бўлганлиги исботланса, бундай олувчи ипотека билан таъминланган мажбурият бажарилмаганлиги учун шу мажбурият бўйича мазкур мол-мулк қиймати доирасида қарздор билан солидар жавобгар бўлади. Агар гаровга қўйилган мол-мулк кўрсатилган талаблар ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор бўлмаган ипотекага қўювчи томонидан бузилган ҳолда тасарруфдан чиқарилган бўлса, мол-мулкни олувчи ҳам, дастлабки ипотекага қўювчи ҳам бу қарздор билан солидар жавобгар бўладилар.

Ипотекага қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкни васият қилишга ҳақли. Ипотека тўғрисидаги шартнома ёки бошқа битимнинг ипотекага қўювчининг бу

6-боб. Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш. Гаров хатини бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш

33-модда. Ипотека тўғрисидаги шартнома ёки ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш

Ипотека билан таъминланган мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) шу кредиторнинг ўзи томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага олувчи мазкур шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга қарздорнинг розилигини талаб қилмасдан ўтказишга ҳақли. Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича бошқа шахс фойдасига ўз ҳуқуқларидан воз кечилганда, ипотека билан таъминланган асосий мажбурият бўйича қарздордан талаб қилиш ҳуқуқи ҳам ўша шахсга ўтади.

Агар қарздор кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинган бўлмаса, янги кредитор шу туфайли келиб чиққан ўзи учун ноқулай оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади. Мазкур ҳолда мажбуриятнинг дастлабки кредиторга нисбатан бажарилиши тегишли кредиторга нисбатан бажариш деб эътироф этилади.

Агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи шу ҳуқуқ янги кредиторга ўтган пайтдаги мавжуд ҳажмда ва шартларда ўтади. Хусусан, мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи ҳуқуқлар, шунингдек талаб билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлар, шу жумладан тўланмаган фоизларга бўлган ҳуқуқ янги кредиторга ўтади.

34-модда. Гаров хати бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш

Гаров хати бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш оддий ёзма шаклда битим тузиш орқали амалга оширилади.

Гаров хати бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилиши талаблардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (цессия) оқибатларини келтириб чиқаради.

Гаров хати бўйича ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилаётганда ҳуқуқни ўтказаётган шахс унинг янги эгаси тўғрисида гаров хатига белги қўяди. Белгида гаров хати бўйича ҳуқуқлар ўтказилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи) ҳамда бундай ўтка-

Қирқиш чизиғи

дирда, ипотекага қўювчининг ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси сифатида ўша шахсга нисбатан эга бўлган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари олувчига ўтади.

56-модда. Гаровга қўйилган ҳуқуқларни реализация қилиш

Ипотека тўғрисидаги қоидалар қўлланиладиган ҳуқуқлар ипотекасида ипотека нарсасини реализация қилиш ипотекага қўювчи гаровга қўйилган ҳуқуқдан келиб чиқадиган талабдан ипотекага олувчи фойдасига воз кечиши орқали суд тартибида, шунингдек суддан ташқари тартибда агар ипотека тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса, ёки ундирувни ипотека нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин ипотекага олувчининг ипотекага қўювчи билан нотариал тартибда тасдиқланган келишуви асосида амалга оширилади.

Ипотека тўғрисидаги қоидалар қўлланиладиган ҳуқуқларни реализация қилиш ушбу Қонуннинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ундирув ер участкаси ижарасига доир ҳуқуқларга қаратилган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ танлов ўтказилади, мазкур танловни ўтказиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

57-модда. Бинолар ва иншоотлар ипотекаси

Бинолар ёки иншоотлар ипотекасига фақат ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича шу бинолар ёки иншоотлар жойлашган ер участкасига ёхуд бу участканинг гаровга қўйилаётган объект ишлаб туришини таъминлайдиган қисмига бўлган ҳуқуқлар ёхуд мазкур участканинг ёки унинг тегишли қисмининг ипотекага қўювчига тегишли ижарага олиш ҳуқуқи бир вақтнинг ўзида гаровга қўйилган ҳолда йўл қўйилади.

58-модда. Корхона ипотекаси

Агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мулкий мажмуа сифатидаги бутун корхонанинг ипотекасида гаров ҳуқуқи унинг таркибига кирувчи барча мол-мулкка (кўчар ва кўчмас мулкка), талаб қилиш ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқни қўшган ҳолда, шу жумладан ипотека даврида олинган шундай ҳуқуқларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Хусусий мулкка асосланган мулкий мажмуа сифатидаги бутун корхонани ипотекага қўйиш мулкдор ёхуд у ваколат берган орган томонидан амалга оширилади.

Тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган мулкий мажмуа сифатидаги бутун корхонанинг ипотекаси мулкдорнинг розилиги билан корхона томонидан амалга оширилади.

Ипотекага қўювчи корхона ипотекага олувчининг

шартларига мувофиқ ёки шу шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк асралишини таъминлаш зарурлиги сабабли уни сақлаш ва (ёки) муҳофаза қилиш учун ёхуд ипотекага қўювчининг ана шу мол-мулк билан боғлиқ солиқлар, йиғимлар ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларини узиш учун харажатлар қилишга мажбур бўлган ҳолларда, ипотекага олувчига бундай зарур харажатларнинг қопланиши гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан таъминланади.

9-модда. Мол-мулкни ипотекага қўйиш ҳуқуқи

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ушбу Қонуннинг 6-моддасида кўрсатилган, ипотекага қўювчига мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ёки шартномавий асосда тегишли бўлган мол-мулкка ипотека белгиланиши мумкин.

Тарихий, бадиий ёки ўзга маданий қиммати ёхуд давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари нуқтаи назаридан ипотека қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар тасарруфдан чиқарилиши учун бошқа шахснинг ёки органнинг розилиги ёхуд рухсатини олиш талаб этиладиган мол-мулк ипотека нарсаси бўлса, бу мол-мулк ипотекаси учун шундай розилик ёки рухсат олиш зарур.

Умумий биргаликдаги мулк (мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши белгиланмаган ҳолда) бўлган мол-мулк фақат барча мулкдорларнинг ёзма розилиги билан ипотекага қўйилиши мумкин.

Умумий улушли мулк иштирокчиси умумий мулк ҳуқуқидаги ўз улушини бошқа мулкдорларнинг розилигисиз ипотекага қўйиши мумкин.

2-боб. Ипотека тўғрисидаги шартнома. Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш

10-модда. Ипотека тўғрисидаги шартнома

Ипотека тўғрисидаги шартнома ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларига риоя этилган ҳолда тузилади.

Ипотека тўғрисидаги шартномада номи, турган жойи ва идентификация қилиш учун етарлича тавсифи кўрсатилган ҳолда ипотека нарсаси, унинг баҳоси, моҳияти, миқдори, ипотека билан таъминланадиган мажбуриятни бажариш муддати ва гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида турганлиги, шунингдек тарафлар келишувга эришган бошқа маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Ипотека тўғрисидаги шартномада ипотека нарсаси бўлган мол-мулк ипотекага қўювчига қайси ҳуқуққа кўра тегишли эканлиги ва ипотекага қўювчининг бу

фойдаланишида турган бошқа шахснинг ҳуқуқларини ўзгача тарзда бузмаслиги керак.

23-модда. Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг асралишини лозим даражада таъминламаганлик оқибатлари

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидалари, шунингдек мазкур мол-мулкни асраш мажбуриятлари ипотекага қўювчи томонидан кўпол равишда бузилган ҳамда бундай қоидабузарлик гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши хавфини келтириб чиқарган тақдирда, шунингдек гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш бўйича мажбуриятлар бузилган ёхуд ипотекага олувчига гаровга қўйилган мол-мулкни текшириши асоссиз равишда рад этилган тақдирда, ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ҳақли. Агар бундай талабни қаноатлантириш рад этилса, ипотекага олувчи ундирувни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақли.

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи, агар бундай шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўювчининг зиммасида бўлади.

Агар ипотекага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатларга кўра гаровдаги мол-мулк йўқолган ёки мажбуриятни ипотека билан таъминлаш жиддий тарзда ёмонлашган даражада шикастланган бўлса, ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини, шу жумладан ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ суғурта товони ҳисобидан бажарилишини талаб қилишга ҳақли.

Агар ипотекага олувчи билан ипотекага қўювчи ўртасида нобуд бўлган ёки шикастланган гаровга қўйилган мол-мулкни тиклаш ёхуд алмаштириш тўғрисида келишув тузилган ва ипотекага қўювчи бу келишув шартларини лозим даражада бажараётган бўлса, ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишига доир ҳуқуқларни амалга ошира олмайди.

24-модда. Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, йўқолиш ва шикастланиш хавфидан суғурта қилиниши керак. Ипотека тўғрисидаги шартномада гаровга

лаб кўрсатилган ипотекага олувчи ёхуд унинг ўзга қонуний эгаси ўртасида вужудга келган бошқа мажбуриятни бажарилишини таъминлаш учун гаров хатининг гарови тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилиши мумкин.

Гаров хатининг гарови билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, ипотекага олувчи гаров хатини гаровга олувчининг талабига биноан гаров хати бўйича ўз ҳуқуқларини ушбу Қонуннинг 34-моддасида назарда тутилган тартиб ва шартлар асосида унга ўтказиши шарт. Бу ҳуқуқларни ўтказиш рад этилган тақдирда, гаров хатини гаровга олувчи ана шу ҳуқуқлар ўзига ўтказилишини суд тартибида талаб қилиши мумкин.

Гаров хати бўйича ҳуқуқлар ўзига берилган ёки суд томонидан ўзига ўтказилган гаров хатини гаровга олувчи ундирувни гаров хатининг шартларига мувофиқ ипотека нарсасига қаратишга ҳақлидир.

Ипотека нарсасини реализация қилиш натижасида тушган суммалар ипотекага олувчининг гаров хатини гаровга олувчидан қарзини узишга қаратилади, қолган сумма эса кредит шартномаси ёки гаров хати ипотекаси билан таъминланган бошқа мажбурият бўйича ипотекага олувчига тегишли қарзни узиш учун ушбу Қонуннинг 50-моддасига мувофиқ гаровга қўювчининг ўзга кредиторларига ва гаровга қўювчининг ўзига берилади.

Гаров хатининг қонуний эгаси гаров хатини гаровга олувчига муайян муддат ўтганидан кейин гаров хатини сотиб, тушган пулдан унинг гарови билан таъминланган мажбурият суммасини ушлаб қолиш ҳуқуқини берувчи гаровга ўтказишга доир махсус ёзувни гаров хатига ёзиб қўйиши мумкин.

Гаров хати гарови белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан рўйхатга олиниши керак.

7-боб. Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш

36-модда. Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш асослари

Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, хусусан, қарз суммаси тўланмаганлиги ёхуд ўз вақтида, тўлиқ ёки қисман тўланмаганлиги натижасида вужудга келган, ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган талабларни ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан қаноатлантириш учун ундирувни, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шу мол-мулкка қаратишга ҳақли.

сумма, ундан бу мол-мулкка ундирув қаратилиши ва мол-мулк реализация қилиниши муносабати билан қилинган харажатларни қоплаш учун зарур суммалар ушлаб қолинганидан кейин, ўз талаблари ундирилишини сўраган ипотекага олувчилар, ипотекага қўювчининг бошқа кредиторлари ва ипотекага қўювчининг ўзи ўртасида тақсимланади.

Суд қарорлари ижросини амалга оширувчи орган ёки, агар ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка суддан ташқари тартибда қаратилган бўлса, аукцион ташкилотчиси гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан олинган тушумни қуйидаги тартибда тақсимлайди:

биринчи навбатда, ким ошди савдосини ёки аукционни ўтказиш учун қилинган чиқимлар ва харажатларни қоплашга;

иккинчи навбатда, ипотека билан таъминланган асосий мажбурият суммасини тўлашга;

учинчи навбатда, навбатдаги ипотека билан таъминланган муддати ўтган мажбуриятлар суммасини, шунингдек қонунда белгиланган навбат тартибида кўчмас мулкка юкланган бошқа талаблар суммасини тўлашга;

тўртинчи навбатда, гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан қолган суммани ипотекага қўювчига қайтаришга.

51-модда. Судга мурожаат этиш ҳуқуқи

Ким ошди савдосини ёки аукционни ўтказиш тартиб-таомили бузилган тақдирда, ипотекага қўювчи, шунингдек асосий мажбурият бўйича қарздор, агар у ипотекага қўювчи бўлмаса, ким ошди савдоси ёки аукцион натижалари хусусида эътироз билдириб, кўчмас мулк турган жойдаги судга ким ошди савдоси ёки аукцион ўтказилган санадан эътиборан уч ой ичида мурожаат этишга ҳақли.

Даъво аризаси берилиши ким ошди савдоси ёки аукцион натижаларидан келиб чиқадиган хатти-ҳаракатлар амалга оширилишини, агар суд томонидан шундай хатти-ҳаракатлар амалга оширилишини тўхтатиб туриш ҳақида ажрим чиқарилмаган бўлса, тўхтатиб қўймайди.

52-модда. Ипотекага қўювчининг кўчмас мулкни беришни рад этиши

Ипотекага қўювчи сотиб олувчига у ким ошди савдоси ёки аукционда сотиб олган кўчмас мулкни беришни, шу жумладан уй-жойни бўшатишни рад этса, сотиб олувчи мол-мулк турган жойдаги судга мурожаат этишга ҳақлидир.

53-модда. Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш ижросини кечиктириш

Ипотекага қўювчи фуқаро (жисмоний шахс) бўлган ҳолларда, башарти гаров бу фуқаронинг (жисмоний

12-модда. Ипотека тўғрисидаги шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш

Ипотека тўғрисидаги шартнома (шу жумладан, навбатдагилари ҳам) нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Ипотека тўғрисидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади ва кучга киради.

Ипотека тўғрисидаги шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

13-модда. Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш

Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва уларга доир битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда бинолар (иншоотлар) гарови давлат реестрига тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

Шартнома асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ипотека тўғрисидаги шартнома асос бўлади.

Қонун асосидаги ипотеканинг вужудга келишига сабаб бўлувчи кредит шартномаси ёки қарз шартномаси қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади. Қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш алоҳида ариза берилмаган ва рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим тўланмаган ҳолда амалга оширилади.

Қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, қайси шахснинг ҳуқуқларига ипотека юкланган бўлса, шу шахснинг мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда амалга оширилади. Қонун асосидаги ипотека бўйича ипотекага олувчининг ҳуқуқлари гаров хати билан тасдиқланиши мумкин.

Бинолар (иншоотлар) гарови давлат реестрида рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ипотека тўғрисидаги қайд ёзуви амалга оширилган кун ипотека давлат рўйхатидан ўтказилган сана ҳисобланади.

Ипотека билан таъминланган мажбурият мазмуни навбатдаги ипотека билан ўзгартирилганда, шунингдек ипотека нарсасига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар бу мол-мулкни ҳақ эвазига ёхуд ҳақ олмасдан тасарруфдан чиқарилиши натижасида ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ипотекага қўювчидан бошқа шахсга ўтказилганида ипотека қўшимча равишда давлат рўйхатидан ўтказилади. Мазкур талабнинг бажарилмаслиги ипотека билан таъминланган мажбуриятда амалга оширилган ўзгариш-

эмас деб топиш ҳақидаги ёки бу битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларининг қўлланилиши ҳақидаги даъво кўриб чиқиш учун суд томонидан қабул қилинган бўлса;

кўрсатилган гаров хати унинг қонуний эгаси томонидан йўқотилганлиги ва гаров хатининг дубликати берилганлиги сабабли ёхуд гаров хатини ёки унинг дубликатини бериш тартиби гаров хати бўйича мажбуриятли шахслар жавоб бермайдиган тарзда бузилганлиги сабабли ҳақиқий бўлмаса.

Агар ўзгача ҳол исботланмаган ёки ушбу Қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, гаров хатининг у бўйича мажбуриятли шахслардан исталган бирида ёки рўйхатдан ўтказувчи органда турганлиги ипотека билан таъминланган мажбурият бажарилганлигидан далолат беради. Гаров хати кимнинг эгалигига ўтиб қолса, шу шахс гаров хатининг бошқа мажбуриятли шахсларини бу ҳақда дарҳол ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ушбу Қонунга мувофиқ гаров хати бекор қилинган ҳолларда, рўйхатдан ўтказувчи орган гаров хатини олиши билан дарҳол унинг юз тарафига "қарз узилган" деган мухрни босиш орқали ёки гаров хатининг муомалада бўлиши имкониятига йўл қўйилмайдиган бошқача тарзда уни бекор қилади, гаров хатини йўқ қилиш бундан мустасно.

21-модда. Йўқолган гаров хати бўйича ҳуқуқларни тиклаш

Йўқолган гаров хати бўйича ҳуқуқларни тиклаш ипотекага қўювчи томонидан, агар у учинчи шахс (ашёвий кафил) бўлса, шунингдек ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор томонидан ҳам қуйидагиларга асосан амалга оширилади:

агар ушбу Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ бинолар (иншоотлар) гарови давлат реестрига киритилган маълумотлар бўйича йўқолган гаров хатига ёзиб қўйилган гаровга ўтказишга доир барча махсус ёзувларни аниқлаш мумкин бўлса, мазкур реестрда ипотекага олувчи сифатида кўрсатилган шахснинг улар номига ёзилган аризаси асосида;

юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисида суд чиқарган қарор асосида.

Ипотекага қўювчи, агар у учинчи шахс (ашёвий кафил) бўлса, шунингдек ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор ҳам имкони борича қисқа муддатларда гаров хатининг дубликатини тузишлари ва уни рўйхатдан ўтказувчи органга топширишлари шарт.

Рўйхатдан ўтказувчи орган бир иш куни ичида гаров хатининг дубликатини расмийлаштириши шарт, унда "дубликат" деган белги бўлиши керак.

Гаров хатининг дубликати рўйхатдан ўтказувчи орган

дори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига шу сабабли яққол номутаносиб бўлса, ундирувни ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш рад этилиши мумкин, ушбу Қонуннинг 36-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

39-модда. Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда суд томонидан ҳал қилинадиган масалалар

Суднинг ундирувни ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш ҳақидаги қарорида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан ипотекага олувчига тўланиши лозим бўлган суммалар, мол-мулкни қўриқлаш ва реализация қилишнинг уни реализация қилиш тугалланганидан кейин аниқланадиган харажатлари суммаси бундан мустасно. Фоизларда ҳисоблаб чиқариладиган суммалар учун фоизлар қўшиладиган сумма, фоизлар миқдори ва улар қўшилиши лозим бўлган давр;

қийматидан ипотекага олувчининг талаблари қаноатлантириладиган ипотека нарсаси бўлган мол-мулк;

ундирув қаратиладиган гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш усули;

гаровга қўйилган мол-мулкнинг реализация қилишдаги бошланғич сотув нархи. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг ким ошди савдосидаги бошланғич сотув нархи ипотекага қўювчи ва ипотекага олувчи ўртасидаги келишув асосида, улар ўртасида низо бўлган тақдирда эса, суд томонидан белгиланади;

агар зарур бўлса, мол-мулк реализация қилингунига қадар унинг асралишини таъминлаш чоралари.

8-боб. Гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш

40-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш усуллари

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган, ушбу Қонунга мувофиқ суднинг қарорига биноан ундирув қаратилган мол-мулк ким ошди савдосида сотиш орқали реализация қилинади, ушбу қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Суд ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисида қарор қабул қилар экан, ипотекага қўювчи ва ипотекага олувчининг розилиги билан гаровга қўйилган мол-мулк аукционда сотиш орқали реализация қилиниши кераклигини белгилаб қўйиши мумкин. Гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишнинг айни шундай усули ипотекага қўювчи ва ипоте-

зиш асоси аниқ ва тўлиқ кўрсатилиши керак.

Гаров хатининг янги эгаси ҳақидаги белги гаров хатида кўрсатилган ипотекага олувчи томонидан, агар бу биринчи ёзув бўлмаса, олдинги белгида кўрсатилган гаров хатининг эгаси томонидан имзоланиши керак.

Гаров хати бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилиши бу ҳужжат билан тасдиқланадиган барча ҳуқуқлар ҳам шунга кўра ўша шахсга ўтказилишини англатади.

Дастлабки ипотекага олувчининг ва гаров хати олдинги эгаларининг ҳуқуқларидан қатъи назар, гаров хати билан тасдиқланган барча ҳуқуқлар, шу жумладан ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича ипотекага олувчининг ҳуқуқлари ва кредиторнинг ҳуқуқлари гаров хатининг қонуний эгасига тегишли бўлади.

Агар ушбу моддада кўрсатилган битимда бошқача шартлашилмаган бўлса, гаров хати бўйича ҳуқуқлар бошқа шахсга ипотека билан таъминланган мажбурият (асосий мажбурият) қисман бажарилган ҳолда ўтказилаётганда гаров хати бўйича ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган пайтга қадар бажарилиши керак бўлган мажбуриятлар бажарилди деб ҳисобланади.

Гаров хатининг эгаси, агар унинг гаров хатига бўлган ҳуқуқлари гаров хати бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш юзасидан тузилган битимга ҳамда гаров хатига унинг олдинги эгаси киритган охирги белгига асосланса, у гаров хатининг қонуний эгаси деб ҳисобланади. Агар гаров хати гаровга ўтказишга доир махсус ёзувларни киритган бирон-бир шахснинг эгалигидан ўғирланиши натижасида ёки бу шахснинг хоҳиш-иродасидан ташқари бошқача тарзда чиқиб кетган, гаров хатининг эгаси унга эга бўлаётганда буни билганлиги ёки билиши лозим ҳам бўлганлиги исботланган бўлса, у гаров хатининг қонуний эгаси деб ҳисобланмайди.

Гаров хатидаги унинг бошқа шахсларга навбатдаги ўтказилишини тақиқлайдиган ёзувлар ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Агар учинчи шахс (ашёвий кафил) ипотека билан таъминланган мажбуриятни қарздор учун тўлиқ бажарган бўлса, у гаров хати бўйича ҳуқуқлар ўзига ўтказилишини талаб қилишга ҳақли. Бу ҳолда кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқлари қонунга мувофиқ учинчи шахсга (ашёвий кафилга) ўтади. Ипотекага олувчи бу ҳуқуқларни ўтказишни рад этган тақдирда, учинчи шахс (ашёвий кафил) бу ҳуқуқлар ўзига ўтказилишини суд тартибида талаб қилиши мумкин.

35-модда. Гаров хатини гаровга қўйиш

Гаров хати уни бошқа шахсга (гаров хатини гаровга олувчига) ўтказиш орқали кредит шартномаси бўйича мажбуриятни ёки шу шахс билан гаров хатида даст-

24

Буклаш чизиғи

қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш ҳақида бошқача шартлар бўлмаган тақдирда, ипотекага қўювчи бу мол-мулкни йўқолиш ва шикастланиш хавфидан унинг тўлиқ қиймати бўйича, агар мол-мулкнинг тўлиқ қиймати ипотека билан таъминланган мажбурият миқдоридан ортиқ бўлса, шу мажбурият суммасидан кам бўлмаган суммага ўз ҳисобидан суғурта қилиши шарт.

Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича ўз талабини, гаровга қўйилган мол-мулк кимнинг фойдасига суғурта қилинганлигидан қатъи назар, бевосита гаровдаги мол-мулк йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун тўланадиган суғурта товони ҳисобидан қаноатлантириш ҳуқуқига эга. Бу талаб ипотекага қўювчининг бошқа кредиторлари талабларидан ҳамда суғурта қайси шахслар фойдасига амалга оширилган бўлса, шу шахслар талабларидан олдин имтиёзли тарзда қаноатлантирилиши керак, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар гаровга қўйилган мол-мулк ипотекага олувчининг ўзи жавобгар бўлган сабабларга кўра йўқолган ёки шикастланган бўлса, ипотекага олувчи ўз талабини суғурта товони ҳисобидан қаноатлантириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Ипотекага қўювчи уй ёки квартира ипотекаси тўғрисидаги шартнома бўйича кредит қайтарилишига доир мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун кредитор олдидаги ўз жавобгарлиги хавфини суғурталашга ҳақли.

25-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилганида ипотеканинг сақланиб қолиши

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк тасарруфдан чиқарилиши натижасида ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида, шу жумладан юридик шахс қайта ташкил этилиши натижасида бу мол-мулкни олган шахс ипотекага қўювчининг ўрнини эгаллайди ва унинг ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича барча мажбуриятларини, шу жумладан дастлабки ипотекага қўювчи томонидан лозим даражада бажарилмаган мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Янги ипотекага қўювчи фақат ипотекага олувчи билан келишувга кўра, ушбу мажбуриятларнинг бирон-биридан озод қилиниши мумкин.

Агар ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асосларга кўра бир неча шахсга ўтган бўлса, дастлабки ипотекага қўювчи ҳуқуқий ворисларининг ҳар бири ипотека билан таъминланган мажбуриятни бажармаганликнинг ипотека муносабатларидан келиб чиқадиган оқибатларини гаровга қўйилган мол-мулкнинг ўзига ўтган қисмига мутаносиб ра-

17

Қирқиш чизиғи

мулк ижараси тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлари (ижара ҳуқуқи) гаровига;

агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ер участкаси ижарасига доир ҳуқуқлар гаровига нисбатан ҳам қўлланилади.

Муомаладан чиқарилган ва тасарруфдан чиқарилиши мумкин бўлмаган кўчмас мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин эмас.

Қонун ҳужжатларида мажбурий хусусийлаштирилиши назарда тутилган ёки хусусийлаштирилиши тақиқланган ёхуд чекланган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳлари ипотека нарсаси бўлиши мумкин эмас.

7-модда. Ипотека билан таъминланадиган талаблар

Ипотека ипотека билан таъминланадиган мажбурият бўйича қарзнинг асосий суммаси ипотекага олувчига тўлиқ ҳажмда ёки ипотека тўғрисидаги шартномада назарда тутилган қисми тўланишини таъминлайди.

Кредит шартномаси ёки қарз шартномаси бўйича мажбуриятнинг ижросини фоизлар тўлаш шарти билан таъминлаш учун белгиланган ипотека кредиторга (қарз берувчига) кредитдан (қарз маблағларидан) фойдаланганлиги учун унга тегиши керак бўлган фоизлар ҳам тўланишини таъминлайди.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотека ипотекага олувчига тегиши керак бўлган:

ипотека билан таъминланган мажбуриятни бажармаганлик, бажаришни кечиктириб юборганлик ёки ўзга тарзда лозим даражада бажармаганлик оқибатида келиб чиққан зарарларнинг ўрнини қоплайдиган ва (ёки) неустойка (жарима, пеня) тариқасидаги суммалар;

суд чиқимларини ва ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш туфайли келиб чиққан бошқа харажатларни қоплайдиган суммалар;

гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш харажатларини қоплайдиган суммалар ҳам тўланишини таъминлайди.

Агар ипотекага олувчининг ипотека билан таъминланган талабларининг умумий қатъий суммаси ипотека тўғрисидаги шартномада кўрсатилган бўлса, қарздорнинг ипотекага олувчи олдидаги мажбуриятларининг ана шу суммадан ортиқ қисми ипотека билан таъминланган деб ҳисобланмайди, ушбу модда учинчи қисмининг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларида ёки ушбу Қонуннинг 8-моддасида кўрсатилган талаблар бундан мустасно.

8-модда. Ипотекага олувчининг қўшимча харажатларини ипотека билан таъминлаш

Ипотекага олувчи ипотека тўғрисидаги шартнома

4

Буклаш чизиғи

талабига биноан унга ўзининг йиллик ҳисоботини тақдим этиши шарт.

Мулкий мажмуа сифатида бутун корхона ипотекаси билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, ипотекага олувчи корхонанинг молиявий аҳволини соғломлаштириш юзасидан ипотека шартномасида назарда тутилган чора-тадбирларни кўришга, шу жумладан корхонанинг бошқарув органларига ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳамда корхонанинг бошқа молмулкини тасарруф этиш ҳуқуқи чекланган вакиллар тайинлашга ҳақли.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган чора-тадбирлар кутилган натижаларни бермаган тақдирда, ипотекага олувчи ундирувни ипотекада турган корхонага ушбу Қонунда белгиланган тартибда қаратишга ҳақли.

59-модда. Ипотекага қўювчи ва ипотекага олувчининг гаровга қўйилган корхонага нисбатан ҳуқуқлари

Ипотекага қўювчи гаровга қўйилган корхонага нисбатан мазкур корхонага тегишли мол-мулкни сотиш, айирбошлаш, ижарага бериш, қарзга бериш ва бошқача тарзда тасарруф этишга, шунингдек мазкур молмулк таркибига ўзгартишлар киритишга, агар улар корхонага тегишли мол-мулкнинг ипотека тўғрисидаги шартномада кўрсатилган умумий қиймати камайишига олиб келмаса ҳамда ипотека тўғрисидаги шартноманинг бошқа шартларини бузмаса, ҳақли.

Агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўювчи ипотекага олувчининг рухсатисиз корхонага тегишли молмулкни гаровга қўйишга, корхонага тегишли кўчмас мулкни тасарруфдан чиқаришга қаратилган битимлар тузишга ҳақли эмас.

Ипотекага олувчи ипотекага қўювчига нисбатан ўз талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида:

ипотекага қўювчидан бухгалтерия ва бошқа ҳисобот ҳужжатлари мунтазам равишда тақдим этилишини, корхонага тегишли мол-мулкка доир битимларни тузиш билан боғлиқ масалалар олдиндан келишиб олинишини талаб қилишга;

корхонага тегишли мол-мулк мулкдорига ёки у ваколат берган органга корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш талаби билан мурожаат этишга;

ипотекага қўювчи тузган битим ҳақиқий эмас деб топилишини сўраб судга даъво тақдим этишга;

шартномага ёки қонунга мувофиқ бошқа ҳуқуқларни амалга оширишга ҳақлидир.

Корхонани ипотекага қўювчи гаровга қўйилган молмулк асралишини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўрмаган, бу мол-мулкдан корхона қиймати камайи-

37

Қирқиш чизиғи

Агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, даврий тўловлар билан бажариладиган мажбуриятни таъминлаш учун ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга, бу тўловларни тўлаш муддатлари мунтазам равишда, яъни ўн икки ой давомида уч мартадан ортиқ бузилган тақдирда, йўл қўйилади.

Ушбу Қонуннинг 23, 26 ва 28-моддаларида назарда тутилган ҳолларда, ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбурият муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга, бу талаб бажарилмаган тақдирда эса, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақли.

Агар ипотекага қўювчи ўз мажбуриятларини бажарилган деб ҳисобласа ҳамда ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этган бўлса, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга тўхтатиб турилади.

37-модда. Ундирувни гаровга қўйилган молмулкка қаратиш усуллари

Ипотекага олувчи ундирувни ипотека нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин ўз талабларини суд тартибида, шунингдек суддан ташқари тартибда, агар бу ипотека тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса, ёхуд ипотекага қўювчининг ипотекага олувчи билан тузилган ва нотариал тартибда тасдиқланган келишуви асосида қаноатлантиришга ҳақли.

Ипотекага олувчининг қарздор томонидан асосий мажбуриятнинг бажарилишига доир ҳар қандай навбатдаги талаб суддан ташқари тартибга солиш тугалланганидан кейин ҳақиқий эмас.

Ипотекага олувчининг талабларини қаноатлантиришга қуйидаги ҳолларда фақат суд тартибида йўл қўйилади, агар:

мол-мулк ипотекаси учун бошқа шахс ёки органнинг розилиги ёхуд рухсати талаб қилинса;

ипотека нарсаси тарихий, бадиий ёки ўзга маданий қимматга эга мол-мулк бўлса;

ипотекага қўювчи йўқолган бўлса ва унинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаса.

38-модда. Ундирувни гаровга қўйилган молмулкка суд тартибида қаратиш

Ипотекага олувчининг талаблари бўйича ундирув ипотека тўғрисидаги шартномага кўра гаровга қўйилган мол-мулкка суднинг қарори асосида қаратилади, ушбу Қонунга мувофиқ бундай талаблар судга мурожаат қилмасдан қаноатлантирилишига йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Агар ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан йўл қўйилган бузилиши жиддий тусда бўлмаса ва ипотекага олувчи талабларининг мик-

26

Буклаш чизиғи

томонидан, гаров хатини йўқотган шахсга топшириш орқали берилади.

Гаров хатининг дубликати йўқолган гаров хатига тўлиқ мувофиқ бўлиши керак.

Гаров хатининг дубликати йўқолган гаров хатига мувофиқ эмаслиги муносабати билан келиб чиққан зарарлар учун жавобгарлик рўйхатдан ўтказувчи орган зиммасида бўлади. Агар гаров хати бўйича мажбуриятли шахслар кўрсатиб ўтилган номувофиқлик учун жавобгар бўлсалар, улар гаров хати дубликати қонуний эгасининг бу номувофиқлик муносабати билан шу гаров хати бўйича ўз ҳуқуқларини амалга оширишини рад этишга ҳақли эмас.

4-боб. Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг асралишини таъминлаш

22-модда. Ипотека нарсасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни асраш

Ипотекага қўювчи ипотека нарсасига эгалик қилишга ва ундан белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланишга ҳақли.

Ипотекага қўювчи ипотека нарсасидан маҳсулот, ҳосил ва даромад олишга ҳақли. Агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага олувчи ана шу маҳсулот, ҳосил ва даромадга бўлган ҳуқуқларга эга бўлмайди.

Агар ипотека тўғрисидаги шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўювчи ипотека нарсасини лозим даражада асраш учун, шу жумладан уни ўз вақтида жорий таъмирлашни ўтказиш, ундан оқилона фойдаланиш ҳамда уни бошқа шахсларнинг қонунга хилоф тажовузлари ва талабларидан ҳимоя қилиш учун ўз ҳисобидан барча зарур чораларни кўриши шарт.

Ипотекага қўювчи ипотека нарсасининг йўқ бўлиб кетиши, шикастланиши, бузилиши ёки ҳолати ёмонлашувига олиб келувчи ҳар қандай хавф-хатар, шунингдек ипотекага олувчининг ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолат тўғрисида ипотекага олувчини ўз вақтида ёзма шаклда хабардор этиши керак.

Ипотекага олувчи ипотека тўғрисидаги шартнома амал қиладиган муддат давомида ипотека нарсасининг мавжудлигини, ҳолатини, уни асраш ва ундан фойдаланиш шароитларини текшириш ҳуқуқига эга. Ипотекага олувчи томонидан бундай текширув ўтказилиши ипотека нарсасидан белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланишни тўхтатиб қўймаслиги ёки ипотекага қўювчининг ёхуд ипотека нарсаси вақтинча

15

Қирқиш чизиғи

ҳуқуқини рўйхатдан ўтказган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказувчи орган деб юритилади) номи кўрсатилган бўлиши керак.

Агар гаровга қўювчига тегишли ижара ҳуқуқи гаров нарсаси бўлса, ижарага олинган мол-мулк айнан унинг ўзи ипотека нарсаси бўлгандаги каби гаров шартномасида белгиланиши ва ижара муддати кўрсатилиши керак.

Ипотека нарсасини баҳолаш ипотекага қўювчи билан ипотекага олувчи ўртасидаги келишувга кўра ёки баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ипотека нарсасини баҳолашдан ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ипотека билан таъминланадиган мажбурият ипотека тўғрисидаги шартномада унинг суммаси, вужудга келиш асослари ва бажарилиш муддати белгиланган ҳолда кўрсатилиши керак. Бу мажбурият бирон-бир бошқа шартномага асосланган ҳолларда эса, мазкур шартноманинг тарафлари, тузилган санаси ва жойи кўрсатилиши керак.

Агар ипотека билан таъминланадиган мажбурият суммаси келгусида аниқланиши лозим бўлса, ипотека тўғрисидаги шартномада ипотека билан таъминланадиган мажбурият суммасини аниқлаш тартиби ва бошқа зарур шартлари кўрсатилиши керак.

Агар ипотека билан таъминланадиган мажбурият қисмларга бўлиб бажарилиши лозим бўлса, ипотека тўғрисидаги шартномада тегишли тўловларнинг муддатлари (даврийлиги) ва уларнинг миқдорлари ёки бу миқдорларни аниқлаш имкониятини берадиган шартлар кўрсатилиши керак.

Агар ипотекага олувчининг ҳуқуқлари гаров хати билан тасдиқланган бўлса, бу ипотека тўғрисидаги шартномада кўрсатиб ўтилади, қонун асосидаги ипотекада гаров хати берилиши ҳоллари бундан мустасно.

11-модда. Ипотекага олувчини учинчи шахсларнинг ипотека нарсасига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида огоҳлантириш

Ипотекага қўювчи ипотека тўғрисида шартнома тузилаётганда ипотека давлат рўйхатидан ўтказилаётган пайтда ўзига маълум бўлган учинчи шахсларнинг ипотека нарсасига бўлган барча ҳуқуқлари (гаров, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш, ижара ҳуқуқлари, сервитутлар ва бошқа ҳуқуқлар) ҳақида ипотекага олувчини ёзма шаклда огоҳлантириши шарт. Бу мажбуриятнинг бажарилмаслиги ипотекага олувчига ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини ёки ипотека тўғрисидаги шартнома шартлари ўзгартирилишини талаб қилиш ҳуқуқини беради.

6

Буклаш чизиғи

шахснинг) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлмаса, у ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича қандай мол-мулкни гаровга қўйганидан қатъи назар, узрли сабаблар бўлган тақдирда, суднинг қарорига кўра ундирувни ижрога қаратиш ипотекага қўювчининг аризасига мувофиқ суд томонидан бир йилгача муддатга кечиктирилиши мумкин.

Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш ижросини кечиктириш бу мол-мулк ипотекаси билан таъминланган мажбурият бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл этмайди ҳамда қарздорни кредиторнинг кечиктириш даври мобайнида кўпайган зарарларини ўрнини қоплашдан, кредиторга тегиши керак бўлган фоизлар ва неустойкани тўлашдан озод қилмайди.

Агар қарздор унга кечиктириш туфайли берилган вақт доирасида кредиторнинг ипотека билан таъминланган талабларини мазкур талабларни қаноатлантириш пайтидаги ҳажмда қаноатлантирса, суд ипотекага қўювчининг аризасига кўра, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги қарорини бекор қилади.

Гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишни кечиктиришга, агар кечиктириш ипотекага олувчининг молиявий аҳволи жиддий тарзда ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлса, йўл қўйилмайди.

9-боб. Айрим турдаги кўчмас мулк ипотекасининг ўзига хос хусусиятлари

54-модда. Гаров нарсаси бўлиши мумкин бўлган ер участкаларига доир ҳуқуқлар

Ер участкасини, шу жумладан фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи, якка тартибда уй-жой қуриш ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Ижарага олувчи ер участкасига доир ўзининг ижарага олиш ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга фақат ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда ҳақли.

55-модда. Учинчи шахсларга тегишли бинолар ва иншоотлар жойлашган ер участкасига доир ҳуқуқлар гарови

Агар ипотекага қўювчига эмас, балки бошқа шахсга тегишли бино ёки иншоот жойлашган ер участкасига доир ҳуқуқ гаров нарсаси бўлса, ундирув ипотекага олувчи томонидан шу участкага бўлган ҳуқуққа қаратилган ва мазкур участка реализация қилинган тақ-

35

Буклаш чизиғи

кага олувчи томонидан ипотека тўғрисидаги шартномада ёки ушбу Қонун 37-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган келишувда назарда тутилиши мумкин. Гаровга қўйилган мол-мулкни ушбу Қонун 37-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда аукционда сотиш орқали реализация қилишга йўл қўйилмайди.

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкни аукционда сотиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва ушбу Қонунга, агар уларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ипотека тўғрисидаги шартнома ёки ипотекага қўювчининг ипотекага олувчи билан тузилган нотариал тартибда тасдиқланган келишувга мувофиқ белгиланади.

41-модда. Ким ошди савдосини ўтказиш тартиби

Гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш бўйича ким ошди савдоси ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ташкил этилади ва ўтказилади. Суд ижрочисининг буюртмаси ёки ким ошди савдоси ташкилотчиси сифатида иш юритадиган тегишли ихтисослаштирилган ташкилот билан тузган шартномаси ким ошди савдосини ўтказиш учун асос бўлади.

Гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш бўйича ким ошди савдоси шу мол-мулк турган жойда ўтказилади.

Ким ошди савдоси ташкилотчиси ким ошди савдоси ўтказилишидан камида ўттиз кун олдин Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида тарқатиладиган камида иккита даврий босма нашрда ким ошди савдоси тўғрисидаги эълонни чоп этади.

Ким ошди савдоси тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

ким ошди савдосига қўйиладиган ипотека нарсасининг номи, унинг турган жойи ва уни идентификация қилиш учун етарли тавсифи, унинг баҳоси;

ким ошди савдоси иштирокчисининг закалат суммаси, уни тўлаш муддати ва тартиби;

харид нархини тўлаш тартиби ва муддатлари;

ким ошди савдоси ўтказиладиган жой ва вақт;

ким ошди савдоси ташкилотчисининг номи ва жойлашган ери, маълумот олиш учун унинг телефон рақами ва тўлов реквизитлари.

Ким ошди савдоси тўғрисидаги эълоннинг бир нусхаси, агар имкони бўлса ва монелик бўлмаса, ким ошди савдосига қўйилаётган кўчмас мулкнинг ўзидаги кўринарли жойга ким ошди савдоси ўтказилишидан камида ўн кун олдин осиб қўйилади.

Ким ошди савдосида иштирок этишни истаган шахслар ким ошди савдоси тўғрисидаги эълонда кўрсатилиши лозим бўлган миқдорда, муддатларда ва тар-

28

Буклаш чизиғи

гаров хати бўйича ҳуқуқлар юридик шахс қайта ташкил этилганлиги натижасида ёки мерос тартибида бошқа шахсларга ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида;

гаров хати бўйича ҳуқуқлар ариза берувчига тегишли деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарори асосида амалга оширилиши керак.

20-модда. Гаров хати бўйича ҳуқуқларни амалга ошириш ва ипотека билан таъминланган мажбуриятни бажариш

Гаров хатининг қонуний эгаси шартномада ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз ҳуқуқларини амалга ошираётганда гаров хатини тегишли ҳуқуқ қайси шахсга нисбатан амалга оширилаётган бўлса, шу мажбуриятли шахсга (қарздорга ёки ипотекага қўювчига) унинг талабига биноан, агар гаров хати гаровга қўйилганда у нотариус депозитига топширилмаган ёки гаров хатини гаровга олувчига ўтказган ҳолда гаровга қўйилмаган бўлсагина, кўрсатиши шарт.

Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбурият тўлиқ бажарилганидан кейин ипотекага қўювчига гаров хатини топшириши, мажбурият қисмларга бўлиб бажарилган ҳолларда эса, унинг қисман бажарилишини ипотекага қўювчи учун етарли ва гаров хатига келгусида эгалик қилиш эҳтимоли бўлганлар учун яққол кўриниб турадиган усулда ёки гаров хатида мажбуриятнинг қисман бажарилганлиги ҳақида ёзиб қўйиш орқали тасдиқлаши шарт.

Гаров хатининг ипотекага олувчида туриши ёхуд гаров хатида ипотека билан таъминланган мажбурият қисман бажарилганлиги ҳақида белги ёки бошқача тарздаги тасдиқнома йўқлиги, агар ўзгача ҳол исботланмаган бўлса, бу мажбурият ёки тегишинча унинг қисми бажарилмаганлигидан далолат беради.

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор ўз қарзини тўлиқ ҳажмда ёки гаров хати бўйича ўз мажбуриятларини гаров хатининг қонуний эгасига ёки гаров хатининг қонуний эгаси томонидан шу гаров хати бўйича ҳуқуқларни амалга ошириш учун вакил қилинган шахсга қарзни узиш режасига мувофиқ бажарилиши лозим бўлган қисмини узади.

Гаров хати гаровида гаров хати нотариус депозитига топширилган тақдирда, ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор қарзни нотариус депозитига киритган ҳолда ўз мажбуриятини бажаради.

Гаров хати бўйича мажбуриятли шахс гаров хатини кўрсатувчига гаров хати бўйича унинг ҳуқуқлари амалга оширилишини рад этишга қуйидаги ҳолларда ҳақлидир, агар:

мазкур гаров хати бўйича ҳуқуқлардан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги битимни ҳақиқий

13

Қирқиш чизиғи

лар ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

Ипотека билан таъминланган мажбурият қарздор томонидан бажарилганида, ипотекага олувчи ипотекага қўювчининг талабига кўра рўйхатдан ўтказувчи органга бинолар (иншоотлар) гарови давлат реестрига тегишли ўзгартишлар киритиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Ипотекага олувчи томонидан мазкур талаб бажарилмаган тақдирда ипотекага қўювчи ундан бу мажбурият бажарилмаганлиги туфайли ўзига етказилган зарарларнинг ўрни тўла ҳажмда қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Ҳар қандай шахс рўйхатдан ўтказувчи органда тегишли мол-мулк ипотекаси тўғрисида қайд ёзуви борлиги ёки йўқлиги ҳақида маълумот ҳамда ипотека тўғрисидаги қайд ёзувидан тасдиқланган кўчирма олишга ҳақли.

3-боб. Гаров хати

14-модда. Ипотекага олувчининг гаров хати бўйича ҳуқуқлари

Ипотекага олувчининг ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича ва ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлари, агар ушбу Қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, гаров хати билан тасдиқланиши мумкин.

Гаров хатида, агар ушбу Қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ипотекага олувчининг қонун асосидаги ипотека бўйича ва мазкур ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича ҳуқуқлари тасдиқланиши мумкин.

Гаров хати эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз бўлиб, у гаров хати қонуний эгасининг қуйидаги ҳуқуқларини тасдиқлайди:

ипотека билан таъминланган пул мажбуриятининг, шу мажбурият мавжудлигининг бошқа далилларини тақдим этмаган ҳолда бажарилишига эришиш ҳуқуқи;

ипотека белгиланган мол-мулкка бўлган гаров ҳуқуқи.

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор ва (ёки) ипотекага қўювчи гаров хати бўйича мажбуриятли шахслардир.

Гаров хати ипотекага қўювчи томонидан, агар у бу мажбуриятда иштирок этмайдиган учинчи шахс (ашёвий кафил) бўлса, шунингдек ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор томонидан ҳам тузилади.

Ипотека давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин гаров хати рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан, ипотекага қўювчи билан ипотекага олувчи иштирокида расмийлаштирилади ва дастлабки ипотекага олувчига берилади.

8

Буклаш чизиғи

чиқадиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

Аукционда ғолиб чиққан шахс ва аукцион ташкилотчиси аукцион ўтказилган куни аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани имзолайдилар.

Аукционда ғолиб чиққан шахс харид нархини тўлаган пайтдан эътиборан беш кун ичида аукцион ташкилотчиси у билан нотариал тартибда тасдиқланган шартномага тенглаштириладиган олди-сотди шартномасини тузади. Бу шартнома ва аукцион натижалари тўғрисидаги баённома бинолар (иншоотлар) гарови давлат реестрига зарур ёзувлар киритиш учун асос бўлади.

48-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни нотариал тартибда тасдиқланган келишув асосида реализация қилиш

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган, ундирувни ипотека нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин ипотекага олувчининг ипотекага қўювчи билан тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган келишуви асосида ундирув қаратилган мол-мулк ушбу Қонуннинг 47-моддасига мувофиқ аукционда реализация қилинади.

Ипотека тўғрисидаги навбатдаги шартнома бўйича ипотекага олувчининг талабларини қаноатлантириш ҳақидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув, агар у ипотека тўғрисидаги олдинги шартномалар бўйича ипотекага олувчилар иштирокида тузилган бўлса, ҳақиқийдир.

49-модда. Ундирувнинг гаровга қўйилган молмулкка қаратилишини ва мол-мулк реализация қилинишини тугатиш

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор ва учинчи шахс бўлган ипотекага қўювчи (ашёвий кафил) ипотекага олувчининг ипотека билан таъминланган барча талабларини бу талабларнинг тегишли суммалар тўланган пайтдаги ҳажмида қаноатлантириб, ундирувнинг гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилишини тугатишга ҳақли. Бу ҳуқуқ гаровга қўйилган мол-мулк сотилган пайтга қадар ёки ипотекага олувчи бу мол-мулкка бўлган ҳуқуқни белгиланган тартибда олган пайтга қадар исталган вақтда амалга оширилиши мумкин.

Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш ёки мол-мулкни реализация қилиш тугатилишини талаб қилувчи шахс ипотекага олувчига ундирувни бу мол-мулкка қаратиш ва уни реализация қилиш муносабати билан қилган харажатларини қоплаши шарт.

50-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган суммаларни тақсимлаш тартиби

Ипотека тўғрисидаги шартномага кўра гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган

33

лар бажарилмаганлиги тўғрисидаги хабарномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

ипотекага қўювчининг фамилияси, исми, отасининг исми (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери);

ипотекага олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери);

бажарилмаган мажбуриятларнинг қисқача баёни;

асосий мажбуриятнинг, шунингдек гаровга қўйилган мол-мулкнинг сотилиши эҳтимолига қадар ипотекага қўювчи тўлаши керак бўлган барча йиғимлар, чиқимлар ва харажатларнинг умумий расшифровкаси;

хабарнома олинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида барча қарзларни тўлиқ узиш тўғрисидаги таклиф;

ипотека нарсаси бўлган гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш бўйича аукцион ўтказилиши мумкинлиги тўғрисидаги огоҳлантириш.

46-модда. Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарноманинг мазмуни

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

ипотекага қўювчининг фамилияси, исми, отасининг исми (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери);

ипотекага олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери);

бажарилмаган мажбуриятларнинг қисқача баёни ва ипотекага қўювчининг ипотекага олувчи олдидаги, ипотека нарсасини реализация қилиш ҳисобига қаноатлантирилиши керак бўлган барча қарзларининг умумий суммаси;

ипотека нарсаси бўлган ва аукционга қўйилаётган кўчмас мулкнинг номи, тавсифи ва таърифи;

аукцион ўтказиладиган жой ва вақт.

Агар аукцион ихтисослаштирилган ташкилот томонидан ўтказиладиган бўлса, аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада мазкур ташкилотнинг номи, жойлашган ери ва телефон рақами тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилган бўлиши керак.

47-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни аукционда сотиш

Гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш очиқ аукционда амалга оширилади, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, ёпиқ аукцион ўтказилишига йўл қўйилади.

Гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш бўйича аукцион ташкилотчиси сифатида бунинг учун ипотекага олувчи томонидан ипотекага қўювчининг розилиги билан танланган, ипотекага олувчи билан шартнома асосида фаолият кўрсатадиган ва унинг ёки ўзининг номидан иш кўрадиган ихтисослашган ташкилот иш юритади. Ипотекага олувчи ва ипотекага қўювчи ўртасида ихтисослашган ташкилотни танлаш юзасидан келиб

32

Буклаш чизиғи

Гаров хати ипотека билан таъминланган мажбурият бажарилгунига қадар исталган пайтда тузилиши ва ипотекага олувчига берилиши мумкин.

15-модда. Гаров хати ҳақидаги шартларни ҳақиқий эмас деб топиш

Агар:

мулкий мажмуа сифатидаги бутун корхона ёки унга бўлган ижара ҳуқуқи ипотека нарсаси бўлса;

қарз суммаси шартнома тузиш пайтида аниқланмаган ва бу суммани лозим пайтда аниқлаш имкониятини берадиган шартларни ўз ичига олмайдиган пул мажбурияти ипотека билан таъминланса, гаров хатини тузишга ва беришга йўл қўйилмайди ҳамда ипотека тўғрисидаги шартномада баён қилинган гаров хати ҳақидаги шартлар ҳақиқий эмас деб топилади.

16-модда. Гаров хатининг мазмуни

Гаров хати рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан дастлабки ипотекага олувчига берилаётган пайтда унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ҳужжат номига киритилган "гаров хати" деган сўз;

ипотекага қўювчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи ёки, агар ипотекага қўювчи юридик шахс бўлса, унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

ипотекага олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи ёки, агар ипотекага олувчи юридик шахс бўлса, унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

мажбуриятнинг бажарилиши ипотека билан таъминланадиган шартноманинг мазкур шартнома тузилган сана ва жой ёки ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг вужудга келиши асослари кўрсатилган реквизитлари;

ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг, агар у ипотекага қўювчи бўлмаса, фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи ёки, агар қарздор юридик шахс бўлса, унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

ипотека билан таъминланган мажбурият суммаси ва, агар шу мажбурият бўйича фоизлар тўланиши керак бўлса, уларнинг миқдори ёхуд бу сумма ва фоизларни лозим пайтда аниқлаш имкониятини берадиган шартлар;

ипотека билан таъминланган мажбурият суммаси тўланадиган муддат, агар бу сумма қисмларга бўлиб тўланиши лозим бўлса, тегишли тўловларнинг муддатлари (даврийлиги) ҳамда улардан ҳар бирининг миқдори ёки тўловларнинг ана шу муддатлари ва миқдорларини аниқлаш имкониятини берадиган шартлар (қарзни узиш режаси);

ипотека белгиланган кўчмас мулкнинг номи ва уни идентификация қилиш учун етарли тавсифи ҳамда шун-

9

Қирқиш чизиғи

орган архивида ипотека тўғрисидаги қайд ёзуви ўчирилгунига қадар сақланади.

Гаров хатлари берилиши уларнинг эмиссияси ҳисобланмайди ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

18-модда. Гаров хатига иловалар

Гаров хатига ипотека шартларини белгилайдиган ёки ипотекага олувчи гаров хати бўйича ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун зарур бўлган ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

Агар гаров хатига илова қилинадиган ҳужжатлар уларни идентификация қилиш учун етарли даражада гаров хатида аниқ кўрсатилмаган бўлса ва бундай ҳужжатлар унинг ажралмас қисми эканлиги назарда тутилмаган бўлса, улар гаров хати бўйича ҳуқуқлар гаров хатини сотиш, гаровга қўйиш натижасида ёки бошқача тарзда қайси шахсларга ўтган бўлса, ана шу шахслар учун мажбурий эмас.

19-модда. Гаров хатининг қонуний эгаларини рўйхатдан ўтказиш

Гаров хатининг қонуний эгаси фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойини, агар гаров хатининг қонуний эгаси юридик шахс бўлса, унинг номи ва жойлашган ерини (почта манзилини) кўрсатган ҳолда, ўзининг ипотекага олувчи сифатида белгиланган тартибда рўйхатга олинишини рўйхатдан ўтказувчи органдан талаб қилишга ҳақлидир.

Гаров хатининг қонуний эгасидан у ипотекага олувчи сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида лозим даражада тасдиқланган исботловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда хабарнома олган, ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор мазкур мажбурият бўйича оралиқ тўловларни ҳар сафар гаров хати ўзига кўрсатилишини талаб қилмасдан амалга ошириши шарт. Қарздорнинг мазкур гаров хати эгаси олдидаги бундай мажбуриятлари, гаров хати бўйича ўз ҳуқуқларидан гаров хатининг эгаси фойдасига воз кечилганлиги тўғрисида хабарнома олгач, вужудга келади.

Гаров хатининг қонуний эгаси тўғрисидаги қайд ёзуви, гаров хати тақдим этилган тақдирда, ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат этган пайтдан эътиборан бир иш куни ичида қуйидагилар:

гаров хати бўйича ҳуқуқни ушбу Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ бошқа шахсга ўтказиш ҳамда гаров хатига белги қўйиш асосида, агар бундай ёзувни киритган шахс гаров хатининг қонуний эгаси ёки ипотекага олувчи бўлган бўлса, гаровга ўтказишга доир махсус ёзув унинг номига ёзилган, у гаров хатини ушбу Қонуннинг 35-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган тартибда сотган бўлса;

12

Буклаш чизиғи

тибда закалат пулини тўлайдилар. Закалат пули миқдори гаровга қўйилган мол-мулк бошланғич сотув нархининг 5 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Ким ошди савдосида иштирок этган, лекин унда ғолиб чиқмаган шахсларга ким ошди савдоси тугаши билан закалат пули қайтариб берилади. Ким ошди савдоси амалга ошмаган тақдирда ҳам закалат пули қайтариб берилиши керак.

Ким ошди савдосида сотилаётган мол-мулк учун энг юқори баҳони таклиф этган шахс ким ошди савдосида ғолиб чиққан деб эътироф этилади. Бу шахс ва ким ошди савдоси ташкилотчиси ким ошди савдоси ўтказилган куни ким ошди савдосининг натижалари тўғрисида баённома имзолайдилар. Улардан биронтасининг баённомани имзолашдан бўйин товлаши Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 380-моддасида назарда тутилган оқибатларга сабаб бўлади.

Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс савдо тугаганидан кейин беш кун ичида ўзи сотиб олган гаровга қўйилган мол-мулкнинг суммасини (харид нархини), илгари тўланган закалат пулини чегириб ташлаган ҳолда, ким ошди савдосининг ташкилотчиси томонидан кўрсатилган ҳисобвараққа тўлаши керак. Бу сумма тўланмаган тақдирда, закалат пули қайтариб берилмайди.

Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс харид нархини тўлаган пайтдан эътиборан беш кун ичида ким ошди савдосининг ташкилотчиси у билан нотариал тартибда тасдиқланган шартномага тенглаштирилган олди-сотди шартномасини тузади. Бу шартнома ва ким ошди савдосининг натижалари тўғрисидаги баённома бинолар (иншоотлар) гарови давлат реестрига зарур ёзувлар киритиш учун асос бўлади.

42-модда. Ким ошди савдоси натижалари тўғрисидаги баённома

Ким ошди савдоси натижалари тўғрисидаги баённомада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

ким ошди савдосини ўтказиш учун асос;

ким ошди савдоси ўтказилган жой ва вақт;

ким ошди савдосида олинган кўчмас мол-мулкнинг номи, тавсифи ва таърифи, унинг турган жойи;

мол-мулкнинг аввалги эгаси бўлган ипотекага қўювчининг фамилияси, исми, отасининг исми (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери);

сотиб олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери);

харид нархи;

ким ошди савдосини ўтказган ким ошди савдоси ташкилотчисининг номи ва жойлашган ери.

Ким ошди савдоси натижалари тўғрисидаги баённома ким ошди савдоси ташкилотчисининг муҳри

29

Қирқиш чизиғи

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

маҳаллада обрў-эътиборга эга бўлган, паст-баланди яхши тушунадиган, оилалар, айниқса, ёшлар билан тил топиша оладиган аёллардан маслаҳатчи лавозимларига заҳиралар тайёрланмоқда. Бевосита маҳалла фуқаролари йиғини кенгаши маслаҳатчилари орқали аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг қаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар уюштиряпмиз.

Суҳбатдошимизнинг гапларини тинглаб туриб, амалга оширилаётган ишлардан чиндан қувонса арзийди. Бироқ, бу билан барча жойларда ҳам иш яхши ташкил қилинган, деган хулосага келиш қийин. Шу боис пойтахтимиздаги баъзи маҳаллалар фаолияти билан яқиндан танишдик.

Учтепа тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Азиза Ғиёсовани иш устида, маслаҳатчилар билан суҳбат жараёнида учратдик.

— Ҳар гал маҳалла маслаҳатчилари билан йиғилишганимизда, кейинги режаларимиз ҳақида суҳбатлашиб оламиз, — дейди А. Ғиёсова. — Туманимизда 53 та маҳалла бўлиб, 228 минг аҳолининг 117 мингини аёллар ташкил этади. Уларнинг ўй-хаёллари билан ўртоқлашиш, ҳар бир хонадонга кириб-чиқиш, албатта, осон эмас. Лекин маҳаллалардаги маслаҳатчилар уларнинг муаммоларини имкон қадар ечишга ҳаракат қиладилар. Бундан ташқари, туманда диний оқимлар таъсирига тушган оилалар хотин-қизлар қўмитаси назоратига олинган.

... Д. (исмлари тўлиқ келтирилмади) Учтепа туманининг "Ўткир" маҳалласида истиқомат қилади. Унинг хатти-ҳаракатлари нафақат маҳалладагиларнинг, ҳатто ота-онасининг ҳам тинкамадорини қуритди. Ҳар хил хурофий китоблар билан дуч келганларга ўзининг фикрини сингдирмоқчи бўлади. Маҳалла маслаҳатчиси Дилафрўз Илёсованинг айтишича, бу аёлнинг оиласидаги маънавий муҳитни соғломлаштириш учун маҳалла фаоллари билан биргаликда тарбиявий иш олиб борилган, талайгина куч сарфланган. Қилинган саъй-ҳаракатлардан, маҳалладаги зиёли кишиларнинг тушунтиришларидан сўнг Д. га инсоф киргандек бўлди. Қилмишидан уялди. Оғир кунида, тушкун аҳволида шу маҳалла корига ярашини юрагидан ҳис қилди.

Ўйланиб қоласан, киши. Баъзан энг тубан хатти-ҳаракатларимизни хаспўшлашга, энг номақбул, деб топилган далилларни оқлашга ҳаракат қиламиз. Аммо инсон қадри, қиммати, шаъни юрт манфаати билан боғланмаса, унда шу Ватанда яшаб нима қилдик?

— Мен 36 йилдан бери маҳаллада фаолият юритаман, — дейди "Латифгузар" маҳалла фуқаролари йиғини кенгаши раиси Фарида Йўлдошева. — 3500 аҳолининг 1618 нафарини аёллар ташкил этади. Улар ўзимнинг опаларим-сингилларимдек. Маҳалла маслаҳатчиси билан ҳар бир хонадонга кириб, аҳолининг ижтимоий ҳолатини ўрганиб чиқаман. Оилалардаги баъзи ҳолатлар, яъни фарзандининг ортиқча харҳашаларини кўтариш, янги оила қурган келин-куёвларга имкон, шароит бермаслик ҳолатлари эътиборимни тортади. Бу бир қарашда оддий ҳолдек кўриниши мумкин. Аммо бу ҳолат кўпинча ёшларни, айниқса, аёлларни ҳаётдан норози кайфиятга тушишга олиб келади. Натижада оилавий ажрашишлар, енгилгелпи ҳаётга ўрганган йигит-қизларда ҳар хил иллатларга мойиллик сезилади. Ҳар гал ўз фаолиятимга баҳо беришдан олдин бизнинг кўмагимиз туфайли ўзини ўнглаб олган ёшлар, аёллар сафининг кенгайганлиги ёки камайганлигини сарҳисоб қиламан.

Сўзимиз аввалида қайд этганимиздек, ҳар бир инсонда миллий ғурур шаклланиши шарт. Чунки бу туйғу ўзлигимизни йўқотиб қўймаслигимиз, ўз Ватанимизни ўзимиз ҳар қандай ахборот хуружларию мафкуравий, ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилишимиз учун жуда муҳимдир. Зеро, маънавияти мустаҳкам миллатга ҳеч қандай ёвуз куч таҳдид сололмайди.

Зиёда АШУРОВА.

2006 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2006 йил 1 октябрдан киритиладиган кўмир учун декларация қилинган нархларни қайд этиш 19-03-22-05-O'zR39 2006-сонли реестрини тасдиқлади,

Монополист бирлашма (корхона) номи	Маҳсулот номи	Ўрта ҳисобланган меъёри, %		Ўлчов бирлиги	ҚҚС билан 1 тонна маҳсулотга улгуржи нарх (сўмда)
		Куллик	Намлик		
«O'ZBEK-KO'MIR» OAJ	2 BPK 50-300 (200) Бюджет ташкилотлари учун	14,4	35,8	тонна	7443
	Биржа орқали	14,4	35,8	тонна	13399
	Аҳоли учун	14,4	35,8	тонна	13399
	2BOMSSH 0-50	23,8	35	тонна	21315
	2BOMSSH-B-1 0-50	32,5	35	тонна	16679
	2BOMSSH-B-2 0-50	46,7	35	тонна	9112
	2BR 0-300 (200) Бюджет ташкилотлари учун	21,8	35,5	тонна	13516
	Саноат корхоналари учун	21,8	35,5	тонна	21998
	2BR-B-1 0-300 (200)	32,5	35,5	тонна	16114
	2BR-B-2 0-300 (200)	46,7	35,5	тонна	8304

Изоҳ: маҳсулот кули ва намлиги бўйича ўртача ҳисобланган меъёр фоиз ҳисобида GOST 8298-89, GOST 8302-87, Tsh 12-17:2001, Tsh 12-18:2001, GOST 8297-87 мувофиқ ўрнатилган. Кўмир сифати бўйича ўзгариш бўлганда чегириш (ёки қўшиш) меъёрлари № 03-01-1988 прейскурант бўйича қўлланилади. Кул бўйича ҳар бир фоиз кўпайиши ёки камайишига белгиланган нархдан 2,5%, намлик бўйича 2,0% миқдорида.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИЛИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йилда Сурхондарё вилоятида қурилиши мўлжалланган қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоларида қатнашиш учун қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш билан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

1. **Термиз шаҳрида Термиз давлат университети қошидаги 720/100 ўқувчи ўринли 2-сонли академик лицей қурилиши (калити билан).**
2. **Денов туманидаги Термиз давлат университети қошидаги 720/100 ўқувчи ўринли академик лицей қурилиши (калити билан).**

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази Академик лицейлар қурилиши республика инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи — Академик лицейлар қурилиши республика инжиниринг компанияси.
Манзили: Тошкент шаҳри, Саидова кўчаси, 76-уй.
Телефонлар: (8-371) 393-11-84, 396-69-73, факс: 393-91-84.

Малакани олдиндан аниқлаш танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малака талаблари қўйилади: ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур мутахассисларга; фуқаровий ҳуқуқий қобилиятга ва шартнома тузиш ваколатига; шундай танлов предмети объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотлар тақдим этиши ва танлов предмети объектида ўз кучи билан бажаришга режалаштирилаётган ишлар ҳажми (фоиз ҳисобида); 2004—2006 йилларда ҳар йили ўз кучи билан 1 000 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарганлик.

Қайта ташкил бўлган (ажратилиш, қўшилиш), тугатилиш ёки мол-мулклари хатланиб, банкротлик ёқасида турган, шунингдек, таъсис актлари, молиявий иштироки, холдинг ва бошқа шаклдаги бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий тобе бўлган талабгорларнинг танлов савдоларида иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатлар «Танлов савдолари иштирокчилари учун йўриқнома»да ўз ифодасини топган.

Қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига мурожаат этиш мумкин.

Танлов ташкилотчисининг манзили: Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй.
Тел./факс: (8-37622) 2-44-73, факс: 2-44-57, 2-44-76.

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳужжатлари шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг 5 кундан кечикмай берилади.

Ташкилотлар малакасини олдиндан аниқлаш бўйича таклифлар очилиши қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй.

Пакетларни очиш вақти қўшимча маълум қилинади. Малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосидан (2-босқичга) ўтган оферентларга танлов ҳужжатлари тўла тўплами нархи шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг берилади.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси

телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастоталарни тақсимлаш ва фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибда лицензиялар бериш учун танловнинг қуйидаги таклифлари бўйича буюртмалар учун аризалар қабул қилишни тугатиш муддати — 2006 йил 17 октябргача узайтирилганлигини эълон қилади:

	Частота	Узатгич қуввати	Тарқатиш ҳудуди
I. Фаолият тури — телевидение кўрсатувини тарқатиш (трансляция қилиш)			
4-лот	26-телевизион канал (частоталар полосалари 510-518 МГц)	100 Вт	Гулистон шаҳри
9-лот	25-телевизион канал (частоталар полосалари 502-510 МГц)	100 Вт	Фарғона шаҳри ва Марғилон шаҳри, Фарғона вилояти
24-лот*	12-телевизион канал (частоталар полосалари 222-230 МГц)	100 Вт	Қарши шаҳри
26-лот*	9-телевизион канал (частоталар полосалари 198-206 МГц)	100 Вт	Муборак шаҳри, Қашқадарё вилояти

** Ижара шарти билан.*

Изоҳ: танлов ўтказиш тўғрисида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида 2006 йил 5 сентябрда (№174) эълон берилган.

Жамоамиз кучлилар сафида

Россия Федерациясининг Волжский шаҳрида ногирон футболчилар ўртасида Европа очиқ чемпионати бўлиб ўтди.

Унда Россия, Англия, Эрон, Молдавия, Ўзбекистон, Туркия, Украина ва Сьерра-Леоне мамлакатлари жамоалари ғолиблик учун баҳс юритдилар. Ўзбекистонлик футболчилар саралаш учрашувларининг барчасини муваффақиятли ўтказдилар. Фақат ярим финалда Англия терма жамоасига пенальтилар (5:6) ҳисобига имконият бой берилди. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда Украина терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган футболчиларимиз бронза медали соҳиби бўлишди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

билан тасдиқланади.

43-модда. Ким ошди савдосини амалга ошмаган деб эълон қилиш

Ким ошди савдоси ташкилотчиси қуйидаги ҳолларда ким ошди савдосини амалга ошмаган деб эълон қилади:

ким ошди савдосига иккитадан кам сотиб олувчи келган бўлса;

ким ошди савдосида гаровга қўйилган мол-мулкнинг бошланғич сотув нархига устама қилинмаган бўлса;

ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс харид нархини белгиланган муддатда киритмаган бўлса.

Ким ошди савдоси ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлардан бирортаси содир бўлганидан кейинги кундан кечиктирмай амалга ошмаган деб эълон қилиниши керак.

Ким ошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилингандан кейин ўн кун ичида ипотекага олувчи ипотекага қўювчи билан келишувга кўра гаровга қўйилган мол-мулкни унинг ким ошди савдосидаги бошланғич сотув нархида олишга ва шу мол-мулк ипотекаси билан таъминланган ўз талабларини харид нархи ҳисобига ўтказишга ҳақлидир. Бундай келишувга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидалари қўлланилади. Бу ҳолда ипотека тугатилади.

Агар мол-мулкнинг ипотекага олувчи томонидан олиниши тўғрисидаги ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган келишувга эришилмаган бўлса, биринчи ким ошди савдосидан кейин бир ойдан кечиктирмай такрорий ким ошди савдоси ўтказилади. Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда, гаровга қўйилган мол-мулкнинг бошланғич сотув нархи такрорий ким ошди савдосида 20 фоизга пасайтирилади. Такрорий ким ошди савдоси ушбу Қонуннинг 41-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Такрорий ким ошди савдоси ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатларга кўра амалга ошмаган деб эълон қилинган тақдирда, ипотекага олувчи гаровга қўйилган мол-мулкни унинг биринчи ким ошди савдосидаги бошланғич сотув нархидан кўпи билан 25 фоиз паст нархда олишга (ўзида қолдиришга) ва мол-мулк ипотекаси билан таъминланган ўз талабларини харид нархи ҳисобига ўтказишга ҳақлидир.

Агар ипотекага олувчи такрорий ким ошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилингандан кейин бир ой ичида гаровга қўйилган мол-мулкни ўзида қолдириш ҳуқуқидан фойдаланмаса, ипотека тугатилади.

44-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни ипотека тўғрисидаги шартнома асосида реализация қилиш

Буклаш чизиғи

ва рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан муҳрланиши керак. Гаров хатининг алоҳида варақлари битимлар нарсаси бўлиши мумкин эмас.

Гаров хати мазмуни ипотека тўғрисидаги шартномага ёки мажбурияти ипотека билан таъминланган шартномага номувофиқ бўлган тақдирда, агар гаров хатини олувчи битим тузилаётган пайтда бундай номувофиқлик ҳақида билмаган ва билиши лозим ҳам бўлмаган бўлса, гаров хатининг мазмуни ҳақиқий деб ҳисобланади. Бу қоида гаров хатининг қонуний эгаси дастлабки ипотекага олувчи бўлган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Гаров хатининг қонуний эгаси ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган номувофиқлик ўз эгалигидаги гаров хатини бекор қилиш ва шу билан бир вақтда янги гаров хати бериш орқали бартараф этилишини талаб қилишга, агар бу талаб гаров хатининг қонуний эгасига бундай номувофиқлик ҳақида маълум бўлганидан кейин дарҳол билдирилган бўлса, ҳақлидир.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган номувофиқлик ва уни бартараф этиш билан боғлиқ ҳолда вужудга келган зарарлар учун жавобгарлик гаров хатини берган рўйхатдан ўтказувчи орган зиммасида бўлади.

17-модда. Гаров хатининг шартларини ўзгартириш

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор, ипотекага қўювчи ва гаров хатининг қонуний эгаси гаров хатининг илгари белгиланган шартларини келишувга кўра ўзгартиришлари мумкин. Бу ҳолда, шунингдек ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилаётганда келишувда гаров хатини бекор қилиш ва шу билан бир вақтда тегишли ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда тузилган янги гаров хатини бериш назарда тутилиши керак.

Гаров хатининг мазмунини ўзгартириш тўғрисидаги келишувни ариза берувчи давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат этган пайтдан эътиборан бир иш куни ичида амалга оширилиши керак. Бундай келишувни давлат рўйхатидан ўтказиш бепул амалга оширилади.

Гаров хати бекор қилинган ва шу билан бир вақтда янги гаров хати берилган тақдирда, ипотекага қўювчи рўйхатдан ўтказувчи органга бинолар (иншоотлар) гарови давлат реестрига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги ариза билан биргаликда янги гаров хатини беради, бу гаров хати ипотекага олувчига унинг қонуний эгалигида турган гаров хати ўрнига топширилади.

Бекор қилинган гаров хати рўйхатдан ўтказувчи

Қирқиш чизиғи

дай мулк турган жой;

ипотека белгиланган кўчмас мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси, ипотекани белгилаш қонунга асосан мажбурий бўлган ҳолларда эса, шундай мол-мулкнинг баҳоловчи хулосаси билан тасдиқланган, пулда ифодаланган баҳоси;

ипотека нарсаси бўлган кўчмас мулк ипотекага қўювчига тегишлилигига сабаб бўлган ҳуқуқ ва давлат рўйхатидан ўтказиш рақами, санаси ва жойи кўрсатилган ҳолда рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, агар ипотекага қўювчига тегишли ижара ҳуқуқи ипотека нарсаси бўлса, ушбу қисмнинг тўққизинчи хатбошисига мувофиқ ижара нарсаси бўлган шундай мулкнинг номи ва шу ҳуқуқнинг амал қилиш муддати;

ипотека нарсаси бўлган кўчмас мулкка гаров, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, ижара ҳуқуқи, сервитут ёки бошқа ҳуқуқ белгиланганлиги ёхуд ипотека давлат рўйхатидан ўтказилаётган пайтда мазкур мулкка учинчи шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳеч қандай ҳуқуқ юкланмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

ипотекага қўювчининг имзоси, агар у учинчи шахс (ашёвий кафил) бўлса, шунингдек ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг ҳам имзоси;

ипотека давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

дастлабки ипотекага олувчига гаров хати берилган сана. Қонун асосидаги ипотекада гаров хати берилган тақдирда, ушбу қисмнинг ўн биринчи хатбошисида кўрсатилган маълумотларни гаров хатига киритиш рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан таъминланади.

"Гаров хати" деб номланиб, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар ва шартлардан бирон-бири бўлмаган ҳужжат гаров хати ҳисобланмайди ва дастлабки ипотекага олувчига берилмайди.

Ипотекага қўювчи ва ипотекага олувчи ўртасидаги келишувга биноан гаров хатига ушбу моддада назарда тутилмаган маълумотлар ва шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Гаров хатининг ўзида янги эгалик қилувчилар ва ипотека билан таъминланган мажбурият қисман бажарилганлиги ҳақида белгилар (гаровга ўтказишга доир махсус ёзув) қўйиш ёхуд бошқа зарур маълумотларни ёзиш учун жой етишмаса, гаров хатига қўшимча варақ бириктириб қўйилади, унга ёзувлар ва белгилар гаров хатида бошланиб, ана шу варақда тугайдиган қилиб жойлаштирилади.

Гаров хатининг барча варақлари бир бутун ҳужжатни ташкил этади. Уларга тартиб рақамлари қўйилиши

Буклаш чизиғи

Гаровга қўйилган мол-мулкни ипотека тўғрисидаги шартнома асосида реализация қилиш қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда аукцион ўтказиш орқали амалга оширилади:

ипотекага олувчи томонидан ипотекага қўювчига ипотека билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаётганлиги тўғрисида ушбу Қонуннинг 45-моддасида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган хабарнома топшириш. Мазкур хабарномани бевосита топшириш имкони бўлмаган тақдирда, у ипотекага қўювчининг ипотека тўғрисидаги шартномада кўрсатилган манзилига буюртма хат шаклида юборилади;

хабарномани ипотека рўйхатдан ўтказилган рўйхатдан ўтказувчи органда рўйхатдан ўтказиш;

ипотека тўғрисидаги шартномадан келиб чиқадиган ва хабарномада кўрсатилган талаблар қаноатлантирилмаган тақдирда, лекин мазкур билдириш ипотекага қўювчига юборилган пайтдан эътиборан камида икки ой ўтгач, аукцион ўтказиш тўғрисидаги, ушбу Қонуннинг 46-моддасида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган хабарномани юбориш ҳамда уни ипотека ва биринчи хабарнома рўйхатдан ўтказилган рўйхатдан ўтказувчи органда рўйхатдан ўтказиш;

аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонни Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида тарқатиладиган камида иккита даврий босма нашрда эълон қилиш. Аукционга қўйилаётган кўчмас мулкка доир барча битимларни тузиш аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълон биринчи марта эълон қилинган пайтдан эътиборан тақиқланади, агар битимлар тузилган бўлса, улар ҳақиқий эмас деб топилади. Аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълон биринчи марта эълон қилинган пайтдан эътиборан аукцион ўтказиладиган пайтгача камида ўттиз кун ўтиши керак.

Ипотекага қўювчи асосий мажбурият бажарилмаётганлиги тўғрисидаги хабарномани олгач, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш учун асослар йўқлиги тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ипотекага қўювчи гаровга қўйилган мол-мулк реализация қилинишини ушбу Қонуннинг 53-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган шартларда кечиктириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Судга даъво аризаси билан мурожаат қилиниши ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган муддат ўтишини тўхтатиб туради.

45-модда. Мажбуриятлар бажарилмаганлиги тўғрисидаги хабарноманинг мазмуни

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятт-

Қирқиш чизиғи

Қирқиш чизиғи

Санъат

Ўзбек театри мустақиллигимизнинг 15 йиллигини муносиб ютуқлар билан нишонлади. Ўзининг теран томирларига, бой анъаналарига эга бўлган театр санъатимиз, мустақиллик шарофати билан эркин ижод даврини бошдан кечирмоқда.

Совет даврида театр санъати ва драматургиянинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмай, ҳаётни қай йўсинда тасвирлаш кераклиги юқоридан буйруқбозлик йўли билан амалга оширилиб, эркин ижод йўллари тўсиб қўйилганди. Бундай аҳвол, айниқса , халқнинг ўтмиш тарихига, бой маданий меросига муносабатларда ўз аксини топган.

САҲНА — ТАРБИЯ ДАРГОҲИ

У кунлар ортда қолди. Бир вақтлар қатағон қилинган ёзувчилар — Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ғулом Зафарий асарлари яна саҳналарда тикланди. Узоқ йиллар тақиқлаб келинган Амир Темур, Бобур, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) ҳақида йирик тарихий саҳна асарлари яратилди.

Бугун ўзбек театри ривожи ва истиқболига катта эътибор берилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мамлакатимизда театр ривожига ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Театрларимизнинг бадиий ва ижодий имкониятлари кенгайди.

Давлатимиз раҳбарининг 1995 йил 20 сентябрдаги «Ўзбекистон театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармонлари тарихий воқеа бўлди. Мазкур фармонлар театр санъатининг барча йўналишларини қамраб олганлиги билан диққатга сазовордир.

Шунингдек, Президентимиз саҳна санъатини юқори поғонага кўтариш билан бир қаторда театр бинолари қурилишига, уларни таъмирлаш ишларига жиддий эътибор қаратмоқда. Тошкентдаги «Туркистон» концерт саройининг бунёд этилиши бунинг яққол исботидир.

2001 йил 30 августда Ўзбек давлат академик театри янги биносининг очилиш тантаналари бўлиб ўтди. Унга «Миллий театр» мақомини бериш тўғрисида Фармон эълон қилинди. Бундай юксак ном санъат намояндаларини илҳом ва масъулият билан ижод қилишга, миллий истиқлол руҳида бадиий баркамол асарлар яратишга руҳлантирди.

Кўп вақт ўтмай, Ўзбекистон академик рус драма театрига янги бино қуриб берилди. Рус ёшлар драма театри, Андижон, Хоразм, Фарғона, Сурхондарё, Наманган вилоятлари ва бошқа жойлардаги театрлар ҳам тубдан таъмирланди, замонавий саҳна жиҳозлари билан таъминланди.

Бугунги кунда ўзбек театрининг халқаро алоқалари кенгайиб бормоқда. 1993 йилда республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Тошкентда «Ғарб ва Шарқ» халқаро театр санъати фестивали ўтказилди. Ушбу йирик анжуманда жаҳоннинг 30 га яқин театр жамоалари иштирок этди. 1997 йилда Миллий театрнинг Қоҳира шаҳридаги гастроллари муваффақиятли якунланди. Алишер Навоий номли катта академик опера ва балет театрининг Таиланд, Малайзия, Сингапурдаги ижодий сафари ҳам довруқли кечди. «Андижон баҳори», «Хумо» каби фестиваллар, турли танловлар ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Булар ўзбек театр санъатининг дунё миқёсида обрў-эътибори кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда турли жанрдаги 36 та давлат театри, театр-студияси ва хусусий театрлар фаолият кўрсатмоқда. Илғор театрлар қаторига Сурхондарё ва Қўқон театрларини кўшиш мумкин. Сурхондарё театри жамоаси 2005 йил ва 2006 йилнинг биринчи ярмида 5 тадан янги спектакль саҳналаштириб, ижодий изланишларини давом эттирмоқда. Айниқса, Ш.Раҳматуллаевнинг «Соҳибқирон» номли янги шеърий асарининг саҳнага чиқиши ўзига хос воқеа бўлди.

Айни пайтда ўзбек театр санъатининг эришган ютуқлари осонлик билан кечган, дея олмаймиз. Чунки ўтиш даврининг ўзига яраша бадиий, иқтисодий мураккабликлари, ечилмаган муаммолар етарли эди. Театрларнинг ижодий имкониятларини эса бир хил деб бўлмасди. Айрим вилоят театларининг молиявий мушкулотлари мавжуд эди. Театр санъати соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш учун ижодий эркинлик, бадиий барқарорлик, тинчлик муҳити зарур эди. Шундай шароитни давлатимиз яратиб берди. Афсуски, айрим пойтахт ва вилоят театрлари бундан етарлича фойдалана олмаяпти. Бу ҳол енгил-елпи асарларни саҳналаштиришга берилиб кетиш, замондошлар қиёфасини саҳнага олиб чиқолмаслик, ёшларнинг маънавий камолотини бойитадиган саҳна асарлари яратишга эътиборсизликда намоён бўлмоқда.

Театр ва саҳна халқ учун ибрат мактабидир. Шу нуқтаи назардан масалага ёндашилса, ҳар бир театрнинг томошабинга айтадиган ўз «сўзи» бўлмоғи даркор. Ўша «сўз» эса халқнинг маданияти ва маънавиятини оширишга ҳисса қўшадиган, миллий истиқлол ғояларини тараннум этадиган саҳна асарларида муҳрланган бўлиши лозим.

Мамажон РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси

қуйидаги иншоотни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади:

1. **Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилояти бўйича бошқармасининг маъмурий биносини капитал таъмирлаш.**

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 6 ой.

Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили — Самарқанд шаҳри, Фарҳод кўчаси, 34-«А» уй.

Телефон: (8366) 234-39-57.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-Г корпус, 208-хона.
Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 (олтмиш минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдонида соат 18.00да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25
132-10-63
242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дўстлик тиббиёт коллежи директори **Сайдираҳмон САИТҚУЛОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси жамоаси компания менежери Юсуфжон Алибаевга акаси **Раҳимжон АЛИБАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзсувтаъмирфойдаланиш» республика бирлашмаси жамоаси бирлашма тасарруфидаги «Меҳр кўрсатиш» давлат унитар корхонаси бошлиғи Аҳмаджон Мирзаевга онаси **МУНАВВАР аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BELARUS®

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатишди.

Компания мижозлари:

- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27.
Факс: (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

Хоразм вилояти хўжалик судининг 2005 йил 17 октябрдаги 22-05.03-3457-сонли иш бўйича ажримига асосан, «Урганч ипак қурти тухуми» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан ташқи бошқарув жорий қилинган эди.

«Урганч ипак қурти тухуми» МЧЖда

2006 йил 12 октябрь соат 10.00 да кредиторлар йиғилиши бўлиши муносабати билан барча кредиторлар таклиф қилинади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.20 23456